

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК (170:371)*

РАСУЛОВА АЗИЗА МИРБАХРАМОВНА

**« КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪНАВИЙ
СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ»**

Мутахассислик: 5А 111601 – Маънавият асослари

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат

Магистратура бўлими бошлиғи

_____М.Эсанов

2013 й «_____»июнь

“ Миллий ғоя ва маънавият асослари”

кафедраси мудири, Ф.ф.н.

_____М.Собирова

Илмий раҳбар: Ф.ф.н.

_____Ў.Юсупов

Тошкент-2013 йил

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I БОБ.	КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ.....	12
1.	Шарқ ва Ғарб алломаларининг комил инсон ҳақидаги қарашлари.....	14
2.	Комил инсон ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг назарий ва амалий аҳамияти.....	26
	Биринчи боб юзасидан хулоса.....	32
II БОБ.	МАЪНАВИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ.....	33
1.	Комил инсон ғояси - маънавий соҳадаги ислоҳотларнинг асосий йуналишларидан бири сифатида.....	35
2.	Комил инсон ғоясини амалга оширишдаги маънавий омиллар.....	56
	Иккинчи боб юзасидан хулоса.....	66
III-БОБ.	ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ	69
1.	Ўрта махсус касб-хунар таълим тизими асосида комил инсон шахсини шакллантириш методлари.....	69
2.	Олинган тажриба-синов ишлари натижаларининг қиёсий таҳлили.....	83
	Учинчи боб юзасидан хулоса.....	87
	УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	89
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91
	ИЛОВАЛАР.....	98

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий сиёсий соҳалар сингари маънавий ва маърифий соҳаларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда жамият ҳаётида ўзгаришлар яратиш, мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар каторига олиб чиқиш, демократик тамойилларни ҳаётга олиб кириш, жамиятни маънавий ҳаётини юксалтириш, жамият аъзоларини маънавий жихатдан баркамол шахсларга айлантириш давлатимиз олиб бораётган сиёсатни асосини ташкил этиб келмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таъкидланганидек: “Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъкидланади.”¹

Мустақиллик аجدодларимиз асрлар мобайнида орзу қилиб келган озод ва обод Ватанни яратиш, фаровон турмуш тарзига эришиш имкониятларини яратиб берди. Бу борада яхши тарбия кўрган комил инсонларни роли жуда каттадир.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида халқимизнинг маънавияти тўғрисида гапирар экан шундай фикрларни айтиб ўтади “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз”²

Комил инсон тарбиясида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда комил инсонни вояга етказиш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998. 55бет.

² Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.;Шарқ. 1998.31бет

бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади. Илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам хал этиш имконини яратади. Давлат ўзининг олиб борган сиёсатида маънавий ва маърифатни ривожлантиришни устивор вазифа сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Бу ҳолатни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ комил инсонларни вояга етказишга алоҳида аҳамият бериб, унга раҳнамолик қилиб келмоқдалар. Юрбошимизнинг бирор нутқи, асари йўқки уларда у ёки бу жихатдан ёшлар тарбияси масалаларига ёндашмаган бўлсинлар.

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, **“Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.”**³ Дарҳақиқат, бу фикрлар истиқлол йиллари давомида ўз исботини ҳам топди дейишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам юртбошимиз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилган эдилар. Демак комил инсонни тарбиялаш бу давлат буюртмаси экан. Шу сабабли ушбу мавзу янада **долзарб** ҳисобланади.

Комил инсон ғояси - ҳам миллий ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, инсонга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, ўй ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир. Бу ғоя нафакат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган ғоядир.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон» 1999. Б134.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири - ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса- бу озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига хизмат қилувчи кишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа миллий ғоямизнинг таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон каби тамойилларнинг маъно моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган манвий маърифий таълим тарбия ишларининг марказига қўйиш уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодларимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгаллари қилиб тарбиялашдан иборат.”⁴ Демак бу сўзлар мавзунинг нақадар **долзарблигини** яна бир бор тасдиқлайди.

Комил инсон ғояси азал - азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган.

Маънавий – маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар доимо жамият ҳаётининг юксалиб бориш замини бўлиб келган. Маънавий – маърифий жараёнларни юксалтиришга катта эътибор берган миллатгина эртанги кунга ишонч билан қарай олади. Мамлакатимизда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб ёшлар тарбияси, хусусан, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масалаларига бошқа устивор вазифалар қатори алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислохотлар таълим тизимида ҳам янгиланишлар бўлишини тақозо этмоқда. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек “ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир”⁵ деб ўз фикрини билдиради.

⁴Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият 2008. Б.75

⁵ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: Ўзбекистон 1997. Б. 97

Комил инсон ғояси - ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгрок, маъно-мазмун касб этган. Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақида фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Фаробийнинг фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги ғояларини илгари сурак экан, шахснинг маънавий камолотини, адолатли жамият куришнинг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Ўсиб улғайиб келаётган ёш авлодни маънавий жихатдан тарбиялаб бориш доимо халқимизни асосий мақсадларидан бири бўлиб келган. Миллий кадриятларимиз заминида шакилланиб келган маънавиятимиз юксалиб боришимизнинг замини бўлиб келмоғи лозим. Демак бу танланган мавзу ана шу мураккаб масалага бағишланган ва уни ҳозирги куннинг энг **долзарб** муаммоларидан деб ҳисоблайман.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши:

Тадқиқотнинг объекти - Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг ўрганиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети - Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг аҳмиятини очиб бериш мазмуни, шакллари услублари ва воситалари.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Тадқиқот мақсади - Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг аҳмиятини ёритиб бериш. Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат.

- Шарқ ва ғарб алломаларининг комил инсон ҳақидаги қарашларини ёритиш.
- комил инсон ғоясини ҳаётга тадбиқ этишнинг назарий ва амалий аҳмиятини белгилаш,
- комил инсон ғоясини маънавий соҳадаги ислохотларнинг асосий йўналишлардан бири эканлиги аниқланди.
- комил инсон ғоясини амалга оширишдаги маънавий омилларни ёритиш.

- Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими асосида комил инсон шахсини шакллантириш методларини тадбиқ этиш.
- Олинган тажриба-синов ишлари натижаларининг қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

- Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг кучайтириш борасидаги олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, уни И.А.Каримовнинг асарлари асосида такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилса;
- Комил инсонларни вояга етказиш усуллари педагогик механизм билан таъминланса;
- Маънавий ислохотлар жараёнида комил инсонни шакллантирувчи омиллар ва воситалар иш усуллари илмий асосланса комил инсон ғоясини амалга ошириш имкониятлари янада ортади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавиятнинг тутган вазифалари бугунги кунда қатор олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Марказий Осиё халқларининг умуман комил инсон борасидаги хусусан ёшлар тарбияси ва назариясига оид бўлган фикр-мулоҳазалари Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн-Сино, Махмуд. Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Насриддин Тусий, Жалолиддин Девоний, Алишер Навоий ва бошқа бир қатор мутафаккирларнинг маънавий меросида асарларида. Амир Темур тузукларида мукамал ўз аксини топган. Тарих тажрибаси ва буюк бобокалонларимиз маданий-маърифий мерослари бугунги кундаги амалга оширилаётган маънавий ислохотлар асосий замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда маънавий ислохотларни амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиш борасида бир қатор олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва керакли рисоалар чоп этилмоқда.

Мустақиллик йилларида ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўналиши бугунги кунга келиб ўзининг сифат даражасига кўтарилди.

Мустақиллик даврида ҳозирги кунга қадар миллий истиқлол ғоясининг моҳияти тўғрисидаги тасаввурларимизнинг чуқурлашиши ва шахс маънавияти хизмат қилаётган кўплаб мақолалар, комил инсонни шакллантиришга доир китоблар чоп этилди, ҳамда кенг ҳажмда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Мазкур ишлар қаторида Б.Зиёмухамедов⁶, Н.Комилов⁷, М.М.Хайруллаев⁸ С.Нишонава⁹, Р.Каримов¹⁰, Г.Х Ибрагимова,¹¹ З.Қ Исмаилова,¹² О.Мусурмонова,¹³ Р. Маматқулова,¹⁴ Қ Назаров ва А. Очилдиев,¹⁵ М. Хамдамова¹⁶, М. Қуронов¹⁷, Ш. Қурбонов¹⁸ О.Ҳасанбоева¹⁹ И. Эргашевлар²⁰, М. Қуронов²¹ каби олимларимизининг асарларини алоҳида қайд этиш зарур. Шунингдек, кафедрамизнинг нуфузли олимлари проф М.Имомназаров,²² проф.М.Лафасов,²³ доцент

⁶ Зиёмухамедов. Б. Комилликка элитувчи китоб. Тошкент.: “Турон иқбол” 2006.

⁷ Комилов.Н. Муаллиф ҳшдада икки ҳикоя. /Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватнома Султоний ёхуд жронмардлик тарикати. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. 8-саҳифа

⁸ Хайруллаев М.М. Ўғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Тошкент.: Ўзбекистон. 1971.

⁹ Нишонава С. Комил инсон тарбияси. Т.: Истиқлол 2003

¹⁰ Каримов.Р. Хинд мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги фалсафий фикрлари.Т.: “Мутаржим”. 2005. .

¹¹ Ибрагимова Г.Х. Касб таълимида талаба ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғояси асосида шакллантириш. 13.00.01. пед.ф.д. ил.дар.олиш учун ёз.дисс. 2316, ТошДПУ, 2005.

¹² Исмаилова З.Қ. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал методик асослари (миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар асосида)13.00.06. пед.ф.д. ил.дар.олиш учун ёз.дисс.Тош., 2006.

¹³ Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. :Пед.ф.докт. дисс. (13.00.01) ТошДПИ Т., 1993. – 364 б.

¹⁴ Маматқулова Раҳима. Миллий маънавий мерос асосида универси-тетларнинг талабаларида ҳулқ – одоб фазилатларини тарбиялаш:Пед.ф.ном. дисс(13.00.01.)ТошДУ – Т., 1995. – 220 б.

¹⁵ Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: «Янги аср авлоди», 2002..

¹⁶ Хамдамова М.З. «Таълим ва тарбия технологияси» (Маънавият асослари ва педагогика дарслари мисолида методик қўлланма) ТошДШИ, Тошкент шаҳар “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. 152 бет. 9,5.б/т.

¹⁷ Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. дис...-Т., 1998. -316 б.

¹⁸ Қурбонов Ш.Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовке кадров. Атореф.дисс..докт.пед.наук. Т., 2000.54 с.:

¹⁹ Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. -Т., 1996. –91 б.

²⁰ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005.

²¹ Қуранов М. Ёшларни миллий мафкуравий тарбиялаш – технологик масала. // «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш шароитида ёш авлодни маънавий тарбиялаш шакл ва усуллари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Тошкент. 2001.

²² Имомназаров.М. Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлл.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.– Т.:Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2006. .

²³ Лафасов.М. Миллий мафкура фани ўқитиш методикаси (методик қўлланма) Т.:2012.

М.Хамдамова,²⁴ ва акдем.Э.Юсупов²⁵ каби олимларимиз ҳам ўз илмий тадқиқот ишлари ва монографияларида “Комил инсон ғояси” тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришган. Уларнинг фикрича, бу даврда мафкура хусусида баён этилган фикрларнинг синтези ҳамда мафкура масаласига янгича ёндашув сифатида Президент И.А.Каримовнинг миллий истиқлол ғояси ва мафкураси тўғрисидаги концепциясининг вужудга келиши ва миллий мафкуранинг нафақат назарий жihatлари балки амалий йўналишларини идрок этиш билан ҳам тавсифланади. Аммо юқорида номлари зикр этилган барча мутахассис олимларимиз томонидан биздан танлаган мавзунинг мазмун моҳияти мукаммал ўрганилмаган.

Шу сабабли, ҳали махсус ўрганилмаганлиги ва заруратнинг долзарблигидан келиб чиқиб, мавзуимизни **“Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг аҳамияти”** деб белгиладик. Мазкур муаммонинг мавжудлиги, жамиятда ўспирин ёшларнинг маънавий юксаклиги, маданий савиясини ва тарбиясидаги масъулиятини ошириш зарурияти маънавий ислохотлар орқали белгиланади.

Комил инсон Ўзбекистон Республикаси миллий ғоясининг асосий тушунчаларидан биридир. Бошқа давлатлар таълим тизимидан фарқли равишда комил инсон тушунчаси ҳам республикаимиз таълим соҳасининг қадриятли йўналишини ўзида акс эттиради. Педагогик жараёнга тизимли ёндашув асосида мазкур вазифани самарали амалга ошириш имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида”, “Баркамол авлод орзуси”, “Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда” “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқаролик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”, “Эғали юрт

²⁴ Хамдамова. М. Миллий ғоя асосида узлуксиз таълим тарбияни ривожлантириш механизмлари. Т.: “Фан ва технология”. 2009.

²⁵ Юсупов .Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.Т.: Университет. 1998.

эркини бермас”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақиллика эришиш оstonасида”, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, каби қатор асарларида иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислохотларнинг аҳамияти ҳамда глобаллашув жараёнлари ва унга оид муҳим фикрлар, янги ғоялар олға сурилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача таснифи: Педагогик кузатув. Савол-жавоб тестлар. Кузатиш ва аналитик обзор. Таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил ва тарихий материалларни илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат бўлди.

Методологик асоси - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларидаги фикрларни ўрганиш, мафкуравий тарбияни ривожлантириш, баркамол инсон, юксак маънавиятли шахс тарбиясига оид баён этилган қарашлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим-тарбияга оид қарорлари, давлат таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, мутафаккирларимизнинг комил инсон ғояси ва шахс маънавиятини тарбиялашга доир илмий-фалсафий таълимотлари ва илмий-педагогик қарашлари. Амалиётчи олим ва ўқитувчиларимизнинг мавзуга оид олиб борган илмий ва амалий ишлари.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Узлуксиз таълим тизимидаги “Педагогика”, “Фалсафа”, “Маданиятшунослик”, “Маънавият асослари”, “Мантиқ”, “Миллий ғоя” фанлари, “Маънавиятшунослик” фанларни Президент И.А. Каримов асарларидаги яратувчилик ғоялар билан бойитиш имкониятлари вужудга келади. Бу ғоялар билан ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш учун ишлаб чиқилган илмий педагогик йўналиш – педагогика назарияси ва фалсафа фанини янада бойитишга кенг имкониятлар яратилади.

Таълим муассасаларининг дарсдан ташқари ўтказиладиган маънавий-сиёсий тадбирларни олиб боришда ҳам биз яратган тавсиялардан фойдаланиш имкони яратилади. Ушбу магистрлик диссертациясидан тарихчилар, файласуфлар ва миллий ғоя, маънавият асослари билан шуғулланувчи ўқитувчилар, магистрлар, талабалар фойдаланиш мумкин

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- комил инсон ғоясининг моҳияти ва назарий аҳамияти ёритилди,
- маънавий соҳааги ислохотлар ва комил инсон тарбиясининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши таҳлил этилди,
- комил инсон ғояси бунёдкор ғоя сифатида миллий мафкурамизда асосий ғоялардан бири сифатида ўз ўрнига эга эканлиги асослаб берилди.
- комил инсон ғоясини турмушда қўллашда, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотларнинг аҳамияти ўрганиб чиқилди.
- жамиятнинг маънавий ҳаётидаги амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири, комил инсонларни тарбиялаш эканлиги илмий жиҳатдан ўрганилди.

Диссертация таркибининг қисқача таснифи: Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I БОБ. КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АҲАМИЯТИ

Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон - даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўҳна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур саволни тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Комил инсон биз учун мукамалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси. Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, «Инсони комил» номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва

маориф»²⁶. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлгон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон - инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар. Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Комил инсон ғояси - нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илхомлантирган. Жамият тараққиётидаги юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳим ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Кўп жиҳатдан ижтимоий турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий, инкирозлар маънавий бухтонларнинг натижаси тарзида намоён бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалиш сабабини ижтимоий, иқтисодий,

²⁶ Комилов.Н. Тасаввуф.(Биринчи китоб).Т.: Ёзувчи. 1996. 145 бет.

сиёсий омиллар билан бир қаторда кишилар онги, эътиқоди, дунёқараши, комиллик даражасидан ҳам излаш керак.

1. Шарқ ва Ғарб алломаларининг комил инсон ҳақидаги қарашлари

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, у изчил амалга оширилмокда, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қилинмокда. Яъни, замон талабига жавоб берадиган юксак маънавиятни, билимдон инсонларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Президентимиз ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида буни қуйидагича баён этган: **«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганимиз, - комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатпарвар кишиларни тушунамиз»²⁷**. Дарҳақиқат, комил инсон азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб, маънавиятнинг узвий бир қисми бўлиб келган. Инсон эзгуликни ўйласа, унга интилса, эзгуликдан сўйласа ва унга амал қилса, бу ҳам комилликнинг бир белгисидир.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкумлиги жуда кўп адабиётларимизда таъкидланади. Масалан, Шарқ алломаларининг кўпчилиги комил инсон ғояси ҳақида жуда кўп дурдоналарни қолдиришган.

Геродотнинг “Тарих” китобида қадимги саклар, форслар ва масагетлар (булар қадимда Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қилган қабилалар) инсонда энг шарафлайдиган нарса **жасурликдир**, дейилган. Шунга кўра, улар болаларни беш ёшдан йигирма беш ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган. Ҳақиқатдан ҳам

²⁷ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ. 1998. 6-бет

Геродот форслар ва улар билан қўши халқлар учун **ёлғончилик ва қарздор бўлиш энг катта шармандалик** ҳисобланган, дейди. Яна улар дарё сувига тупурмаганлар, ҳатто қўл ювмаганлар.²⁸

Тарихда яшаб ўтган етук шахсларнинг ҳаёти ва ишлари улуғ ибрат, тарбия сабоғидир. Муканна, Торобий, Султон Жалолиддин, Амир Темури, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Улуғбек, Хожа Ахрори ваали, Навоий, Бобур, Бехбудий, Чўлпон ва бошқалар ана шундай ибрат намунаси бўладиган шахслар эдилар. Улардаги мардлик, жасорат, ватан учун жонфидолик энг олижаноб, энг улуғ ҳислатлардир. Улар ақлу заковати, истеъдод ва ижодини ҳам энг эзгу қадрият - Ватан йўлига сарфлаганлар.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп: Алпомиш-халқимизнинг идеал қаҳрамони. У ақл, фаҳм - фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал - Фарҳод образи. У ақлий ва жисмоний камолот эгаси. Фарҳод Нақшбандийнинг «Дил ва ёру, даст ба қор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий-идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир.

Комил инсон одамзод орзу қилган жамийки эзгу ҳислатларнинг ифодачиси, у мутлақ руҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас ҳилқат. Бундай мартабага эришган одамларнинг “Комил инсон” ёки “валиуллоҳ” деб улуғлайдилар.

Замонамизнинг мутафаккири олими Н. Комилов ўзларининг рисолаларида шундай ёзадилар: “Шайх Омилий дейдики, ҳақгўй олимларнинг фикрига қараганда, Олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланур, мулку малакут ундан таълим олурлар, Шундай мартабада Комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло Ўз исми ва сифатларини фақат Комил инсонда кўради. Шунини ҳам таъкидлайдиларки,

²⁸ Геродот. История в девяти книгах. Книга первая. “Наука”. 1972. Стр.55-56

Комил инсонгагина Ҳақ қудратининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.”²⁹

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ҳамда Яқин Шарқ халқларининг кўп асрлик ижодий маҳсули бўлиб, бу китоб бир қанча элатларнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларининг вужудга келиши ҳамда ривожланишини ўрганишда қимматбаҳо манбадир. Зардуштийлик динининг асосчиси ва «Авесто» китобининг муаллифи Спитама Заратуштра инсон камолотига катта аҳамият берган.

Зардуштийлик, инсон камолотида билимнинг кучига қаттиқ эътиқод қилади ва оқибат натижада билимли киши ютиб чиқади, деб ҳисоблайди. «Авесто»да инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиши мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Унда ахлоқийликнинг асоси — саховатлилик, деб кўрсатилган. Ахлоқ — яхши фикр, яхши сўз ва амалиёт бирлигидан иборат, дейилган. Яхши фикр деганда яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашиш, кишиларнинг бахт-саодатини муҳофаза қилиш, аҳиллик ва тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар тушунилган³⁰. Бу фикрларни киши ният қилибгина қолмай, улар тўғрисида тинмай сўзлашиши ва уларни амалга ошириши шарт, дейилади «Авесто»да.

Ватанимиз тарихидан маълумки, умуман таълим ва тарбия муаммолари ва хусусан комил инсон масаласи доимо улкан маърифий вазифа сифатида қаралган. Бу масала айниқса тасаввуфнинг бош мавзуларидан бири бўлган ва ўтмиш алломалари ижодида ўз аксини топган. Ўрта асрнинг йирик намояндалари ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий, Лутфий, Алишер Навоий каби бошқа кўплаб алломалар ҳам ўз асарларида комил инсон тарбияси билан боғлиқ бўлган қимматли фикрларни баён қилганлар.

²⁹ Комилов.Н Комил инсон миллат келажаги. Т.: Ўзбекистон .2000. Б.15
³⁰ Маковельский. А. Авесто. Баку. «Азербайжан». 1960. С. 18.

Абу Наср Форобий ўзининг “Бахт-саодатга эришув тўғрисида” асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм, бу - олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги илмларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг умуман, жонли табиат – ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги билимлар ўрганилади³¹.

³²Маълумки, Абу Наср Форобий инсон руҳида, яъни унинг маънавий ҳаётида учрайдиган фазилатларни иккига бўлади: туғма фазилатлар ва илм-санъат (касб-хунар), ҳулқ-атвор, хоҳиш ва кўникма, малакалар ёрдамида кўлга киритиладиган (М.Хайруллаев) фазилатларга ажратади.

Демак, Аллома инсоннинг камолга етишида қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблайди:

- инсон маълум ҷамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида камолга етишади;
- инсон бошқа мавжудотлардан ақлий ва руҳий қувватлари билан устунликка эга;
- инсон ўз туғма қобилиятини камолга етишиши учун куч сарф этади, интилади.

Бу жараёнда инсон учун таълим-тарбия зарур ҳисобланади. Форобий бунга таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқалигина эришиш мумкинлигини айтди. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий камолотга етказди, хусусан, инсон табиат ва ҷамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, ҷамият тартиб-қоидаларига риоя қилади.

Абу Наср Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси ҷамият талабларига ҷавоб бера оладиган ва шу ҷамият учун хизмат қиладиган “қомил” инсонни тарбиялашдан иборат, деб билади.

Шайх Азизиддин Насафийнинг «Қомил инсон», «Мақсади ақсо», «Зубдатул ҳақойиқ» номли ва бошқа рисолаларида ҳам қомил инсон масаласи бир мунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо

³¹ Хайруллаев М.М. Ўтмиш мутафакирлари таълим-тарбия ҳақида. /Халқ педагогикаси инсон камолотининг асоси/.

³² Нишоновна С. Қомил инсон тарбияси. Т.: Истиқлол. 2003. 130-бет.

бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чотиштиради. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади. Шунинг учун умумий тушунчалардан аниқ тушунчаларга қўйиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни хуруж (кутарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария ўз навбатида улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн Арабийга қўшилиб, инсонни олами сағир (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кабир (улуғ олам) деб атади.- «Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд»,³³ дейди у. Шу тариқа инсон юқори олам - олами кабирнинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб ҳисобланади.

Эзгу сифатларни ўзида мужассам қила олган инсонгина комил инсон даражасига етиша олади. Комил инсон - инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доносидир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлдан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмоноларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, шунчалик комил бўлади.

Комил инсон масаласини ўз асарларида илгари сурган яна бир ахлоқшунос мутафаккир Хусайн Воиз Кошифийдир. У XV асрда яшаб ижод қилган бўлиб, кўплаб дидактик, тарихий, фалсафий, ахлоқ ва тасаввуфга оид асарлар муаллифидир. Унинг ижодида инсон ва унинг комилликка эришиш масаласи асосий ўринда туради.

³³ Зиёмухамедов. Б. Комилликка элитувчи китоб. Тошкент.: “Турон иқбол” 2006

Шундай асарлардан бири бу "Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати"дир. Асар етти бобдан иборат бўлиб, бунда Футувват яъни одамларнинг бир-бирларига қиладиган эзгуликлари комилликнинг ва жамият маънавий ривожининг асосий шарти эканлиги кўрсатилади.

*Халқи жаҳонга хуш хулқинг ила маҳбуб бўл,
Жаннат ботга йўл бошловчи шудир, эй дил.*³⁴

Мутафаккирнинг фикрича, футувватга (комилликка) эришишнинг рукнлари (устунлари) ўн иккита: уларнинг олтитаси зоҳирӣй ва олтитаси ботинӣйдир. Футувватнинг зоҳирӣй рукнларига қуйидагилар киради:

1. Одамлар аввало ўз тиллари орқали бировларга озор етказди ва шунинг учун улар ғийбат, ёлғон ва бўҳтондан тилларини тиймоқлари лозим. Чиндан ҳам бу иллатлар (айниқса ёлғон ва бўҳтон) айбсиз, гуноҳсиз одамлар бошига фалокат ва бахтсизликлар келтиради. Футувват аҳли, мард одамлар бировни ғийбат қилмайди, ёлғон гувоҳлик бермайди.

2. Ғийбат ва бўҳтонларни, ножўя ва номақбул сўзларни эшитишдан ўзини тийиш.

3. Ножоиз ҳисобланган нарсаларни кўришдан ўзини тийиш.

4. Ҳаром нарсалардан, халққа озор етказишдан қўлни тортиш. Ҳалол меҳнат қилмасдан, ҳаромдан мол-мулк тўплаш оғир гуноҳлар қаторига киради.

5. Бориш ман қилинадиган ноосойишта жойлардан оёқни тортиш. Ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган, зиён-заҳмат, озорга етаклайдиган ишларга қадам қўймаслик.

6. Оғизни ҳаром овқатлардан сақлаш. Ҳаромхўрлик футувват риштасини узишдир.³⁵

³⁴ Нажмиддин К. Муаллиф ҳақида икки ҳикоя. -/Хусайн Воиз Кошифӣй. Футувватнома Султоний ёхуд жронмардлик тариқати. Т. — Абдулла Қодирий нашри 1994 8-саҳифа

³⁵ Нажмиддин К. Муаллиф ҳақида икки ҳикоя. -/Хусайн Воиз Кошифӣй. Футувватнома Султоний ёхуд жронмардлик тариқати. Т.: Абдулла Қодирий нашриёти. 1994. 8-саҳифа

Кошифийнинг фикрича, футувватнинг ботиний рукнларига куйидагилар киради:

1. Саховат — яъни одамларга ўзи сўрамасдан олдин эзгулик кўрсатиш;
2. Тавозуъ — барчага камтар, хокисор муносабатда бўлиш, бошқаларни ўзидан афзал билиш;
3. Қаноат. Мутафаккир фикрига кўра, одамлар бошига тушадиган барча азоб-уқубатлар, фалокатлар ортиқча нарсаларга эга бўлиш хирсидан ўзни тиёлмаслик оқибатидир;
4. Авф ва марҳамат. Яъни футувват аҳли халққа шафқат кўргазмоғи, кишилар гуноҳини кечирмоғи ва, иложи борица, уларга яхшилик, мурувват билан муомала қилмоғи лозим;
5. Ҳавобаландлик (такаббурлик) ва ғурурни (мағрурлик) тарк этиш. Зеро, Иблис кибру ҳаво туфайли жаннатдан ҳайдалди;
6. Қурб (Аллоҳга интилиш) ва васлат мақомига бутун вужуди, жони дили билан интилиш. Яъни дилни покиза сакдаш, кўнгил уйини риёзат супургиси билан чангу ғубор, чиқиндилардан тозалаб туриш.³⁶

Милоддан аввалги V—IV асрларда Юнонистонда маданият ва маърифат ривожлана бошлади. Юнонистон унча катта бўлмаган иккита — Макония (пойтахти Спарта) ва Аттика (пойтахти Афина) кулдорлик давлатларидан иборат мамлакат бўлиб, ўзининг табиий шароити, географик жойлашиши ва кулларнинг текин кучи эвазига ўша даврда бошқа мамлакатларга нисбатан анча ривожланди. Ҳар бир шаҳарнинг киши маънавиятига қўйган талаби ўзига хос бўлиб, бир-биридан ажралиб турган ҳамда шу шаҳарлар номи билан ата- либ, «Сгтарта» ва «Афина» ахлоқи деб юритилган.

Қадимги Юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх спарталикларнинг таълим-тарбияси ҳақида гапириб бундай деган: «Ўқиш ва ёзиш — болаларга уларнинг фақат энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса

³⁶ Нажмиддин К. Муаллиф ҳақида икки ҳикоя. -/Хусайн Воиз Кошифий. Футувватнома Султоний ёхуд жронмардлик тарикати. Т.: Абдулла Қодирий нашриёти. 1994. 11-саҳифа

битта мақсадни: ҳеч сўзсиз итоат қилдириш, чидамли бўлиш ва енгил илмини ўргатишни кўзда тутди»³⁷.

Афиналиклар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук кишини камолга егган, деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиялар уйғунлашган ҳолда кечар эди.

Сукрот(Сократ)нинг фикрича, тарбиядан кутилган мақсад нарсалар табиатини ўрганиш бўлмай, балки кишининг билим олиш қобилиятини, ахлоқини камол топтириш бўлмоғи лозим.

Афлотун (Платон)нинг фикрича, болалар 3 ёшдан 6 ёшгача давлат томонидан ташкил қилинган ўйин майдончаларида ўйинлар орқали тарбияланиши керак. У болаларнинг 7 ёшдан 12 ёшгача давлат мактабларида давлат ҳисобидан ўқитилишини талаб қилади. 12 ёшдан 16 ёшгача эса болалар бадантарбия машқларини ўргатадиган «наластра» мактабларида ўқийдилар. Наластрани тамомлаган ўспиринлар 18 ёшгача ҳисоб, геометрия ва астрономия- ни ўрганадилар, 18—20 ёшгача «эфебия»да тарбияланадилар, яъни харбий гимнастика тайёргарлигини ўтайдилар. Ақлий меҳнатга майли бўлмаганлар 20 ёшдан бошлаб жангчилар қаторига ўтадилар. Мавҳум (абстракт) тафаккурга эга бўлганлар 30 ёшгача фалсафа, ҳисоб, геометрия, астрономия ва мусиқа назарияларини ўрганиш билан шуғулланиб, шу тариқа билим олишнинг учинчи босқичини ўтайдилар. Кошифий ўз асарида инсонни салбий ҳислатлардан фориғ бўлиб, эзгуликка интилишини ифода этади. Ғийбат, бўхтон ёлғондан тийилиш, гуноҳ ва ҳаром ишлардан ўзини сақлаш, сабр, саҳоват, қаноат тавозе каби эзгу сифатларга эга бўлиш маънавий комилликнинг асосий мезони ҳисобланган.

Инсоннинг ижтимоий сифатлари, яъни фазилатлари ва уларни таркиб топтириш тўғрисида насронийлар (христианлар) динининг муқаддас китоби Библияда ҳам анчагина фикрлар айтилган.

³⁷ Плутарх. Сочинение. Перевод с древнегреческого. Составитель С. Аверенцева. Москва. Художественная литература. 1983.

Библия сўзи аслида «китоблар» маъносини ифодалаб, Муқаддас Ёзувлар тўпламидан иборатдир. Уни тузишда бир ярим минг йил мобайнида қирққа яқин муаллиф иштирок этган. Библия икки қисмга — Қадимги Аҳд ва Янги Аҳдга бўлинади. Қадимги Аҳд, яъни Таврот ва Забур, Исо Масиҳ туғилишидан аввал, Янги Аҳд, яъни Инжил, Исо Масиҳ туғилганидан кейин ёзилган, дейилади Инжил китобида³⁸. Ҳозирги замон олимлари бу санани ихтилофли деб билиб, Библия XV асрга келиб тўлалигича ёзилган ва китоб ҳолига келтирилган, демоқдалар.

Қадимги Юнонистоннинг йирик алломаларидан ҳисобланган Демокрит (милод. авв. 460-370) ўзининг маънавият ва маърифат, одоб-ахлоққа оид таълимотларида инсоннинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши унинг бахтли ҳаёт кечириши, осуда яшашининг асоси, деб таъкидлайди. Жумладан, қуйидаги ҳикматлар моҳиятига эътибор беринг: “Инсонни бахтли қила-диган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доноликдир”, “Бахтсизликда ўз бурчига содиқ қолиш-буюк иш”, “Меъёридан ўтиб кетса, энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади”, “Бирорта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади”, “Доим ҳақиқатни гапирмоқ лозим ва маҳмадоналиқдан қочиш керак”.³⁹

Араб истилочилари VII асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳрни ҳам фатҳ этишга эришдилар. Ислом ақидалари, унинг ахлоқий, ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи Қуръони Каримдир. Бу муқаддас китоб кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Ислом одамларни яхшиликка даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик ва камолотга, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал қилишга ундайди.

Қуръонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-тоқат, тўғрилик, вафодорлик ва содиқликка

³⁸Муқаддас китоб. ИНЖИЛ. Стокгольм. 1993. 5-бет.

³⁹Материалисти древней Греции, М., Госполитиздат, 1995, стр.

катта эътибор берилган. Унда кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам кўрсатма бор. Бу олий даражадаги инсоний хислатлар бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади, дейилган. Бу хислат жамиятга тинчлик ва осойишталик келтиради. Шунинг учун ҳам кишиларнинг ўзаро дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш мусулмончилик талабларидан саналади.

Мусулмонларнинг иккинчи муқаддас китоби — Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларнинг қай даражада эгалланганлиги кўрсатилган. Жамиятга ва ўзига фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишда муҳим омил — билим эгаллаш деб қайд қилинган. Талаби илм фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истифғор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам. Билимсизлик кишиларни нодонликка олиб келади. Билимсиз жамиятда жаҳолат, разолат ҳукмронлик қилади, дейилган Ҳадиси шарифда.

Ҳадисларда билимни такрорлаб бориш, билимни фақат уни олишга иштиёқманд кишиларгагина бериш жоизлиги қайд қилинган. Шунингдек, ҳадисларда билим кишининг фаҳм-фаросатини ўткир, зеҳнини зукко, хотирасини кучли қилиши таъкидланади ва «илму ҳунарни Чин (Хитой)да бўлса ҳам бориб ўрганинглари»⁴⁰, — деб даъват этилади. Шунга кўра, «Олим бўл ёки билим ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ё бўлмаса билимга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан»⁴¹, — дейилган.

Билимга оид бундай, умумий кўрсатмалардан ташқари, мусулмонларга хос удумлар, урф-одатларни ифода этувчи хулқ-одоб билимлари ҳам Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда баён этилади. Турли маросимларни ўтказиш тартиби, сафар қоидалари, саломлашиш одоби, муомала мезонлари, касал ҳолини кўриш, кийиниш, емоқ-ичмоқ, ётмоқ-турмоқ қоидалари ва ҳоказолар ҳақида турли тавсиялар бериладики, улар ўз долзарблигини шу кунгача йўқотмаган.

⁴⁰ Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.Т.: «Камалак». 1991. 51—60-бет-

⁴¹ Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. 61-бет.

Ўрта Осиёда кейинги илмий маънавий таққийёт Соҳибқирон Амир Темир ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида юз беради. Буюк Соҳибқирон ҳар вақт: “Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам халқ ҳам улуғлайди” деган хикматли сўзни такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда ўзи бунга амал қилишга интиланган.

Амир Темир ўзининг “Тузуқлари”да бундай дейди: “Мен сифатларимнинг энг аввали деб беҳаразликнинг тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: Жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим ”⁴²

Демак, иймон комил инсонни тарбиялаб вояга етиши учун асосий бир фазилат эканлиги Ғарб олимлари томонидан ҳам таъкидланмоқда.

Шунингдек, Ғарб мутафаккирларидан Ян Амос Коменский, Иогани Генрих Песталоцци, Роберт Оуэнлар ҳам таълим ва тарбиянинг назарий асосини комил инсон ғояси билан таърифлаганлар. Бу ҳақда п.ф.д.проф. Бўри Зиёмухаммадов ўзининг “Комилликка элтувчи китоб” деб номланган асарида Ғарб мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги қарашларини батафсил таъкидлаб ўтган⁴³. Масалан, буюк чех педагоги ва мутафаккири Ян Амос Каменский (1592-1670) ўзининг тарбия назарияси таълим-тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. Я.А.Каменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишини комилликка етказиб, мангулик дунёсига етказишдан иборатдир. Бу мақсадни уч хил тарбия билан амалга ошириш мумкин – ақлий, ахлоқий, диний тарбия орқали деб таъкидлаган. Иогани Генрих Песталоцци (1746-1827) фикрича эса, меҳнат одамни тарбиялаш ва маънавий ўстиришнинг энг муҳим воситасидир, деб – меҳнат билан шуғулланаётган одамда меҳнатнинг жамият ҳаётида жуда катта аҳамияти бор деган ишонч туғилади унда. Песталоццининг фикрича, таълим ва тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучлари ва қобилиятларини

⁴² “Темир тузуқлари” Ғ.Ғулом нашри. Т.: 1991. 58 б

⁴³ Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т.: “Turon-iqboi” нашри 2006 202-203-бет.

ўстириш, ўстирганда ҳам ҳар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда ўстиришдир. Тарбиянинг болага кўрсатган таъсири бола табиатига кўра уйғун бўлиши лозим. Роберт Оуэн (1771-1858) эса, ўзининг “Жамиятга янгича қараш ёки инсонда характер шакллантириш тўғрисидаги тажриба” асарида одамнинг характери унинг иродасидан айри бўлган атрофдаги ижтимоий муҳит шароити билан таркиб топади, деб таъкидлайди. Одамларнинг фазилатлари ва иллатлари, ҳатти-ҳаракатлари улар яшаб турган ижтимоий муҳит вазиятига боғлиқдир. Одам, - дейди Оуэн, - ўз характери ни ҳеч қачон ўзи яратган эмас ва уни ярата олмайди ҳам. Унинг фикрича халқни тарбиялаш ва унга билим бериш йўли билан жамиятни керакли усулда ташкил этишга муваффақ бўлинади.

Хулоса қилиб айтганда, қарийиб уч минг йиллик “Авесто” китобидаги комил инсон сиймосига қўйилган талабалардан, ўтган пайғамбарлар, юнон файласуф олимлари, бизнинг ҳудудда ўтган мутафаккиру алломалар ҳамда Европадаги алломаларнинг комил инсон тўғрисидаги фикрларининг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, ҳақиқий инсонгина комил инсон бўла олади. Унинг сифатларига қуйидагилар киради: ақллилик - ақлни мустақил ишлата олиш; билимлилик – кўп билимга эга бўлиш; ростгуйлик – фақатгина рост сўзлаш; меҳнатсеварлик, сабр-қаноатлилик, саховатлилик жасурлик, ҳалоллик, поклик, вафодорлик, ахлоқлилик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ширин сўз бўлиш, хожатбардор бўлиш каби хислатлар.

Хуллас, комил инсон сиймоси бундан бир неча асрлар олдин ўз она юртимизда етук алломаларимиз томонидан гавдаланади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Хусусан, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини оладиган бўлсак, бу мўътабар илмий масканда Шарқ ва Ғарб ўлкаларидан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана

шу бизнинг минтақамизда туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”⁴⁴.

2. Комил инсон ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг назарий ва амалий аҳамияти

Комил инсон ғояси миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир. Бу ғоя мавзумизни чуқур ўрганишни талаб этувчи масаладир.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам мозийнинг кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир.

Ф.ф.д.проф.М.Имомназаровнинг фикрича, “Комил инсон тарбияси осон иш эмас. Бу масалага енгил-елпи ёндошув яхши оқибатларга олиб келмайди. Комил инсон деганда биринчи навбатда маънавий комиллик назарда тутилади. Чунки жисмоний қудрат, бадан соғломлиги агар маънавий комиллик бўлмаса, инсоннинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали натижалар келтириши амри маҳол. Хўш, маънавий баркамолликнинг белгилари қандай? Маънавий баркамол бўлиш учун ақлий етуклик, масъулият туйғуси, юқори билим даражаси, истеъдод, одоб-ахлоқ кифоя қиладими?”⁴⁵ Дарҳақиқат, комилликни шакллантирувчи жиҳатларнинг асосий бири маънавийдир – деган савол туғилади? Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Проф. М.Имомназаров таъкидлаганларидек, «Инсон

⁴⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:”Маънавият”, 2009. - 161-бет.

⁴⁵ Имомназаров М. Глобаллашув ва маънавият. Маърузалар матни. 2012й

фаришта эмас. У моддий вужуд сифатида яратилган. Шундай экан, унинг инкор этиб бўлмайдиган моддий эҳтиёжлари атроф- табиат ва ўзга мавжудодлар билан доимий амалий муносабатларни тақозо қилади».⁴⁶ Айрим адабиётларда комил инсонни фаришталарга ҳам ўхшатишларни ўқиб қоламиз. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкумлиги ҳақида Президентимиз ҳам ўз нутқларида доимо таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият тараққиётидаги юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Кўп жиҳатдан ижтимоий турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар маънавий бухроннинг натижаси тарзида намоён бўлади. Шунинг учун жамият тараққиётидаги тушкунликлар ва юксалиш сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар билан бир қаторда кишилар онги, эътиқоди, дунёқараши, комиллик даражасидан ҳам излаш керак.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек маъсулияти вазифани адо этишда биринчи галда анча машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасвур қиламиз.»⁴⁷ Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Зардўштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси -

⁴⁶ Имомназаров.М Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлл.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.:Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2006. 291-бет.

⁴⁷ Каримов.И.А. Юксак маънавият енгилмас куч Т.:Маънавият. Б130

ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги ғояларини илгари сураб экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шarti деб ҳисоблаган.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти мохир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик бошқаларнигина эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш деганидир. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги, аввало, унинг ахлоқий етуклигида, аجدодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш, катта-кичikka эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга кўринади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. Комиллик ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон – куллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслагини, Ватани, халқини манфаатларига ёт, зарарли ғояларни таркатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Халқимизнинг кадим-кадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, Она ва Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек: **«Маънавиятда инсоннинг иймон, ахлоқи, ҳаётининг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчини**

англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон - ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади.»⁴⁸

Шунинг учун бизнинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламоқда.

Бугунги кунда Ватан ижодкорлар зиммасига ёшларга ибрат бўладиган янги баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш вазифасини юклагоқда. Мустақил Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол эзгу ғояларини ҳаётий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади.

Барча мутафаккирларимизни фикрларини умумлаштириб айтадиган бўлсак, комиллик бу - меҳр мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир. Комиллик - ҳар бир шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон-қуллик, мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон - ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Халқимизнинг кадим-кадимдан ажойиб одатлари, угитлари бор, юртга муҳаббат, она ва Ватанни саждагоҳ каби мукаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир.

Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай уйлаб қаралса, аجدодларимиз ана шу талабларида жамият, инсон учун энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. Оққан дарё оқаверади, деганларидек, эътиқоди мустаҳкам, улуғ аجدодларнинг авлодлари бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган муносиб фарзандлар

⁴⁸Қаримов И. А. "Инсон бахт учун туғулади." хикматли сўзларидан. -Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти, 1998. 35- бет.

бўлиб етишадилар. Шунинг учун бизнинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламокда.

Шу боис бугунги жамият - адолат, демократик ҳуқуқий жамият ўз ҳақ-ҳуқуқини англаган, юксак маънавиятли, баркамол инсонлар жамиятидир. Агар шундай одамлар жамиятни ташкил этмаса, демак, демократия ҳақидаги гаплар шунчаки орзу бўлиб қолаверади, у реал мазмун касб этмайди.

Комил инсон - ўз ичига қуйидагиларни олади(1-тасвир):

- миллий қадриятларга содиқлик;
- умуминсоний қадриятларни эъзозлаш;
- бегона, ёт ва зарарли ғоялар таъсирига берилмаслик;
- мафкуравий иммунитетга эга бўлиш;
- мустақилликни мустаҳкамлашга ўз иссасини қўшиш;
- эзгу ғояларга хизмат қилиш;
- маънавия баркамоллик;
- жисмоний баркамоллик;
- нафосат ва гўзалликка интилиш.

Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмокда. Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.



Биринчи боб юзасидан хулоса

Комил инсон хақида юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, куйидаги хулосалар келиб чиқади:

-Комил инсон- инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

-Комил инсон руҳи азалдан маълум, у тангри таоло яратган энг кудратли руҳдир.

-Комил инсон шу сифатлари билан мутлақ илоҳий ҳислатларни жамлаган руҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни камраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

-Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

-Шунинг учун ҳар бир пок ахлоқли, илохсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

-Комилликнинг олий белгиси ҳақ йулидан бориб халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тез йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.

Инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гуноҳлардан қутқариш улуг аждодларимизнинг қайғуси бўлиб келган. Айникса, тасаввуфда инсон тарбияси, инсонни риёзатлар билан поклаш марказий ўрин эгаллаб келган. Шу асосда улар комил инсон ахлоқи концепциясини ишлаб чиққанлар. Инсонни поклаш ва камол топтириш илми бўлган тасаввуф кишидаги барча салбий ҳислатларни нафс тушунчасига боғлаб изоҳлайди ва унга қарши жиход эълон қилади. Нафс-шайтон васваси, нафс-тубанликка тортадиган куч, нафс-хирсу ҳавас даракчиси, таъма, манманлик, жаҳолат, фахшни келтириб чиқарадиган қувват. Шунинг учун инсоннинг биринчи вазифаси ўз нафсини жиловлаб олиш, уни мавҳ этишдир. Қаноат ва саҳоват, ҳиммат ва ботиний

фикр билан инсон ўзининг илохийлиги-улуғлигини англаса, энг ёмон душмани нафси эканини англайди.

Хуллас, комил инсон тушунчаси бугун олдимизда турган улкан вазифалар - фуқаролик жамиятини қуриш, «Озод ва обод ватан» учун фидойи фарзанд бўлиш тушунчалари билан боғланиб кетади. Биз энди алоҳида-алоҳида етук шахсларнигина эмас, балки комил инсонлар авлодини тарбиялаб етиштиришимиз лозим. Шунда комил, баркамол шахслар жамиятини барпо этган бўламиз. Чунки, инсоннинг шахсий сифатлари билан жамият характери ўзаро зич алоқадор. Яхши, адолатли жамиятда одил одамлар ҳам кўпаяди.

II БОБ. МАЪНАВИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ

Халқимизнинг маданияти, маънавияти ва маърифий салоҳияти ватанимиз равнақи учун хизмат қиладиган асосий омиллардан биридир. Ва биз бундай омилларни ўз назария ва амалиётларимизда мукаммаллаштирган ҳолда комиллик сарҳадларига қадам қўйдик.

Биз танлаган йўлнинг асосий мақсадлари нималардан иборат? *“Бизнинг асосий ютуғимиз халқ йўлида турганимиздир... Биз халқ бўлиб туғилдик ва халқ бирла биргамиз. Нимаики эзгу - ниятларимиз бўлса халққа бағишладик ва Ҳақ йўлида туриб амалларимизни доимий мукаммаллигини таъминладик. Халқни маданий, маънавий даражасини кўтариш, илмий салоҳиятини ошириш назариямизнинг асосий принципларидан бирига айланди.”*⁴⁹ Бизнинг бу фалсафамиз жамиятда ўз ўрнига эга комиллик фалсафаси бўлиб қолди. Илмий назарияларимиз сиёсий таълимот, иқтисодий ва диний таълимотни ўз дастурларига киритмади. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг фалсафа умуммиллий қадриятлар намунасига айланган одамийлик мактабига асос солди. Бу мактабда сиз-у биз эзгуликка йўғрилган, комил инсон ва мукаммал шахс тимсолини кўрасиз.

Бизнинг жаннат юртимиз ўз илмий салоҳияти билан дунёни лол қолдириб келган диёрдир. Дунё тафаккур танқислиги рўй берган, нобоп тараққиёт ортидан олам аҳли боши берк кўчага кириб қолган, глобал маданийлашув қулоч ёйиб миллатлар маънавий ва маданий меросларига, азалий урф - одатларига хавф солаётган бир пайтда миллатимиз, халқимизнинг асл ўзлигини асраб қолиш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи керак. Кейинги йилларда тан олиб айтишимиз лозимки, айнан глобал маданийлашув ва техник нобоп тараққиёт таъсирлари бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Халқимизнинг маданий бойлиги евромаданият услуби билан қоришиб кетди. Шунга кўра, ҳукуматимиз

⁴⁹ Каримов.И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асар,1-жилд .- Т.: «Ўзбекистон», 1996. 81- бет.

томонидан бунёд этилган касб - ҳунар коллежлари ва лицей, бошланғич олий таълим масканлари биз таклиф киритаётган таълимот учун айти муддао ва имконият белгисидир. Ёшларимиз уч йиллик ўқиш давомида икки йилини касб ва илмга бағишлаб, сўнгги бир йилини инсонийлик мактаби курсларидан дастуриламал ўтсалар ўйлаймизки, илмий салоҳиятлари билан бирга теран тафаккур орқали ва энг кераги миллийликка асосланган ҳаётий фаолиятларида миллатимизга, халқимизга нисбатан ёрқин келажакни таъминлаган бўлардилар.

Э.Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият - инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»⁵⁰, - деб таърифлайди.

Жамиятдаги барча кусурлар айнан инсонийлик мактаби йўқлигидан пайдо бўлмаяптими? Инсонийлик мактабида таълим олган шахсни илмий салоҳиятини имтиҳон қилиш шарт эмас. Чунки инсонийлик имтиҳонидан ўтган фарзанд ақлан ва тафаккуран илмни не чоғли қадрли эканини яхши тушунади ва ҳеч қандай бир буйруқсиз билимга ўзи интилади.

Шу ўринда инсон учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа бир безак устида тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бусиз инсон баркамол бўла олмайди. У ҳам бўлса камтарлик белгисидир. Камтарлик одамни безайди, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради.

Камтарлик — инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбида юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-хаё, ор-номус, орият бўлмаса, минг ҳаракат қилмасин, барибир, одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

⁵⁰ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. 34-бет.

Ўзбек халқи урф-одатида, миллий кадриятларимизда такаббурлик килувчилар, фирибгарлар, мактанчоқлар, манманлик кескин қораланади. Камтарга камол, манманга завол, деган ўғитлар бежизга айтилган эмас экан.

1. Комил инсон ғояси - маънавий соҳадаги ислохотларнинг асосий йуналишларидан бири сифатида

Комил инсон биз учун мукаммаликдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу ҳислати ва фазилатларнинг ифодаси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик аجدодларидир. Кишилар уларга караб ҳушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўзи қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг барча қилган ишлари ҳатти-ҳаракатлари ўзга инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган. Комил инсонларга хос фазилатлар юксак маънавиятли шахс тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Чунки юксак маънавиятли шахсда эзгу фикрлар ва туйғуларни амалга ошириш мақсадида маънан юксалиб боришга чақирилади.

Маънавиятимиз, глобал маданийлашув таъсиридан халқимиз тафаккуридан йироқлашиб бормоқда. Халқимизнинг илмга чанқоқлиги салоҳияти сўниб бормоқда, маърифий илмлар ўз кучини йўқота бошлади, деган ахборот маълумотларидан огоҳ бўлиб бормоқдамиз.

Аммо, мафкура ва миллий ғоя инсоннинг рухий озукаси ҳаётий таянчидир. Етук давр талабига истиқлол эҳтиёжларига мос келувчи мафкурани яратиш уни тўлиқ эгаллаш, фуқаролар эътиқодига, ишончига айлантириш миллат камолотини таъминлайди, фуқароларнинг ҳаётий фаоллигини оширади, жамият аъзоларнинг, қонунларини ўзлаштиришлари ва ҳаётга тадбиқ этиш даржаларини юксалтиради.

Маъмурий – буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, Янги уй қурмасдан туриб, эскисини

бузманг деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан **давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик**”⁵¹.

Ислоҳотлар тараққиётнинг устивор йўналиши сифатида ҳар қандай жамиятнинг, у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жihatдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқ. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ҳолатлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий-мафкуравий соҳасидаги ўзгаришлар бизга шўролар мустабид тузуми ҳамда истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради. Хусусан, энг аввало, мамлакат ҳукумати, Президентнинг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши, деб белгиланди.

Тарихий удумларимиз, улуғ аждодларимиз миллий байрам сифатида нишонлаб келган Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳам қайта тикланиб умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Диний меросимиз сарчашмалари бўлган Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп минг нусхада нашр қилинди. Алломаларимизнинг ўғитлари ва ноёб асарлари ўзбек тилида нашр қилинмоқда ва кўҳна, тарихий ёдгорликларимизга иккинчи умр бахш этилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ маънавий қадриятларимиз ҳақида қамровли ва буюк келажакни кўзлаган изчил сиёсат юргизилад бошланди.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримов: “Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждодларимиз, шу заминда яшаган, башарият

⁵¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009й. — 7-б.

тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар бобокалонларимиздан қолган меросни асраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафкурасини шакллантириш, дину иймонимизни, анъаналаримизни кадрлаш, обрўйимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди”⁵², дея алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, тарих учун бир сониядек бўлган бу даврда Ўзбекистон асрларга татиғулик тараққиёт ва маънавий юксалиш йўлини босиб ўтди. Халқимизнинг асрлар мобайнида мисқоллаб тўплаган бебаҳо маънавий меросини тиклаш ва одамларни ундан баҳраманд қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилди. Бу миллий давлатчилигимиз тараққиётида тарихий воқеа бўлди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий йўналишдаги ислохотларни янада жадаллаштириш, халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуғ мақсадга сафарбар этиш, уларнинг имкон ва салоҳиятини бирлаштириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида 1999 йил 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларини ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлодни тарбиялаш маънавият ва маърифат Кенгашининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

⁵² . Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: Ўзбекистон, 1996 — 128-б.

Кенгаш жамоатчиликка дунёда содир бўлаётган воқеалар, мавжуд зиддиятлар, мустақиллик ва миллий кадриятларимизга, бетакрор урф-одатларимизга таҳдид солаётган оқимлар ва таъсирлар, жумладан, халқаро терроризм ва диний экстримизмнинг асл моҳиятини очиқ беришда алоҳида фаоллик кўрсатди. “Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида, - деб таъкидлайди Президент Ислам Каримов, - амалга оширилаётган катта – катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ғанимларимиз ҳам инкор этолмайди”⁵³.]

Агарда, биз миллат сифатида, халқимизни турли маданий оқимлардана холос этмасак, миллат сифатида ўз кадриимизни йўқотиб, комил инсон тарбиясида хатоликларига йўл қўйишимиз ҳеч гап эмас. Биз юксак илм чегараларидан йироқлашиб оддий ҳаёт тарзига ўрганиб қолдик. Асосий юмушимиз бойлик орттириш, чиройли иморат қуриш, машина, компьютер, миллатимизга хос бўлмаган турли одатлар кашфиёти, манманлик билан ўзимизни кўз - кўз қилиш, бир - биримизга ҳасад билан қараш бўлиб қолди. Биз миллатимиз кўзгуси бўлган меҳр - оқибат, саховат, саҳийлик, адолат ва ҳақиқат, эзгулик ҳақида ўйламай қўйдик. Олам аҳли учун намуна бўладиган бебаҳо урф - одатларимиз унутилиб бормоқда. Миллий либосларимиз ўрнини ғарб кийимлари эгаламоқда. Сўзлашув маданиятимизни қадри сусайди. Бу ҳолатлар нимадан дарак беради, “оммавий манқуртлик касалидан...”, дейди айрим журналистларимиз. Дарҳақиқат, манқуртликка чалинган миллат ўзлигини йўқотади, унинг на келажаги ва на тарихи бўлади. Манқурт миллат ҳамиша ўзга кучлар таъсири остига қолиб кетади. Шунинг учун ҳам миллат равнақи, ватанимиз келажаги учун курашиш уни фақатгина илмий салоҳият билан бойитиш, бугунги кунда ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини англаб олишимиз зурур деб ўйлаймиз.

⁵³ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий кадрият. // Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи», 2005 йил, 10 декабрь.

Шу боис, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурати туғилганлиги ҳамда миллий ғоянинг халқимизни ёт ғоялардан ҳимоя қилувчи мустаҳкам қалқон, келажақда унинг ўзлигини, миллийлигини таъминлаб қолиш учун ёрқин машъала эканлигини инобатга олиб, 2006 йили 25 августда Президентимиз Ислон Каримов муҳим бир қарорга имзо чекди. Бу қарор “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451 -сон Қарор эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вазирлар маҳкамасининг маънавий-маърифий соҳадаги қарор ва фармонлари ҳам комил инсон тарбиясига йўналтирилмоқда.

ПФ № 842. 23.04.1994 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ҳам комил инсон тарбиясига катта таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур Фармон Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилганлиги ҳақида

– ВМҚ № 288. 08.06.1994 й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”;

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида” 1994 йил 23 апрелдаги Фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Қарорда Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланиши билан бир қаторда хўжалик ҳисобида ҳам

иш юритувчи ижтимоий ташкилот эканлиги таъкидланган. Шунингдек, Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари белгилаб берилган.

– ПФ № 1559. 09.09.1996 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”;

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий ғоямизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида мазкур Фармон қабул қилинган. Одамларнинг ўзликларини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишлари, миллий тафаккурнинг такомиллашуви, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш учун мазкур Фармонда мамлакат тарихида илк бор “маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши” этиб белгиланган.

– ВМҚ № 311. 24.07.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

Мазкур Қарор маънавий-маърифий ислохотларнинг моҳияти теран англаб тушулганлиги, расмийлик, тадбирбозлик ва кампаниябозлик иллатларининг мавжудлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги, ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этишда қатъиятсизлик, кишилар онгини ўзгартиришнинг халқчил ва таъсирчан усулларида фойдалана билмаслик каби нуқсонларни ҳисобга олиб, маънавий-маърифий ишларга дахлдор бўлган тегишли давлат ва жамоат ташкилотлар фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда улар ишининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган.

– ПФ № 2385. 03.09.1999 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш

тўғрисида”ги фармони ҳам комил инсон тарбиясини ҳаётга тадбиқ этишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларини ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлигини инобатга олиб, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши таъсис этилди. Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Кенгашнинг жойлардаги бўлимларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарликка сайланади).

– ПҚ № 451. 25.08.2006 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”;

Мазкур Қарор халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажаввузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

“Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, ёш

авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. “Миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо ҳоли бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор”⁵⁴.

Ўзбекистон жаҳоннинг энг олий нуфузли Бирлашган Миллатлар Ташкилотига (БМТ 1992 йил, март), Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ЕХХТ 1992 йил, феврал), 1992 йил октябрда Парламентлараро Иттифоқнинг тенг ҳуқуқли 119 аъзоси сифатида қабул қилинди. 1999 йил ГУУАМ, Халқаро ташкилотига, 2001 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, Ўзбекистон Европа Иттифоқи, Ислом Конференцияси, ЭКО каби минтақавий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши, жаҳондаги 165 давлатнинг Ўзбекистон миллий мустақиллигини тан олиши, 120 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиши, Ўзбекистон давлатининг халқаро миқёсда обрўси ва мавқеи ошиб бораётганлигини ҳамда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шарт – шароитлар, имкониятлар пайдо бўлаётганлигини кўрсатди.

Бозор ислохотларига ўтишнинг беш тамойили — Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, Ижтимоий ҳимоянинг муҳимлиги ва Қонун устуворлиги тамойилларининг миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга ҳамоҳанглиги миллий ғоянинг изчил ижтимоий мақсадга қаратилишини таъминлади ва улар бир-бирини тақозо қиладиган тушунчалар бўлиб қолди.

⁵⁴ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин (“Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). Т.: Ўзбекистон, 1998 й. — 18-б.

Миллий таррақиётнинг устувор ғояларини амалга оширишда мамлакат ташқарисидаги ва ичидаги ижтимоий - -сиёсий вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Ғоя”, “Мафкура” атамалари “Идея” ва “Идеология” терминларидан олинган. Биринчиси юнон тилидан олинган идея - ғоя, тушунча, “логос”- таълимот, дегани, яъни ғоялар тўғрисидаги таълимот. Биринчиси ғояларнинг мазмун-моҳияти, шаклланиши ва аҳамияти тўғрисидаги билимларни англатади, иккинчиси ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усул ва воситалари, омилларини англатади. Ғоялар намоён бўлиш шаклига қараб қуйидагиларга бўлинади: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо. Президентимиз мафкура ҳақида фикр юритиб “Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизни кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт”⁵⁵, дейди.

Хўш, нима қилмоқ керак?, деган савол ҳаммамизни ўйлантиради. Биринчи навбатда халқимизнинг маданий ҳаётини юксалтиришимиз керак. Миллий маданият юксалган бир пайтда халқимиз онгида тафаккур дурдоналари кўз очади... Миллатимиз онгида илмга бўлган чанқоқлик ўз самарасини бера бошлайди. Миллий маданиятни қандай тамойиллар асосида юксалтириш мумкин? Жамиятда порахўрлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, манманлик, меҳр - оқибатнинг йўқолиши, турли хил майда ва хавфли жиноятлар нимага содир бўлади? Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши учун оилавий тарбияни ўзи камлик қилади. Ҳар томонлама мукамал бўлмаган шахс ҳаётнинг турли синовлари йўлида боши гангиб қолиши табиий ҳолдир. Шахсни ана шундай мураккаб ҳаёт йўлида адашмаслиги ва тўғри йўл топиши учун назаримда инсонийлик мактабларини ташкиллаштириш керак. Ва биз бу йўлда шахснинг ички дунёсини кашф қилиш сирларини ўрганишимиз, инсоннинг физиологик руҳий ҳолатида ижобий информация

⁵⁵ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин (“Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). Т.: Ўзбекистон, 1998 й. — 14-б.

кабул қилиш марказларини уйғотишимиз орқали комиллик ва мукаммаллик сарҳадларига кенг йўл очишимиз керак. Миллат кўзгусига айланиши лозим бўлган инсонийлик мактаби халқимиз учун, жамиятимиз учун, ватанимиз учун мукаммаллик тимсоли бўлиб қолиши табиий ҳолдир. Бундай гўзал ва беқиёс тимсолга фақатгина ўзликни англаш орқалигина эришишимиз мумкин. Биз бундай мукаммаллик мактаблари алоҳида очилиши фикридан йироқмиз, албатта. Олайлик фарзандларимиз тўққиз йиллик мактабни битиришди. Бу пайтда уларнинг онги айна илмга чанқоқ бир даврига тўғри келади.

Мураккаб ва шиддатли XXI аср бошида туриб бутун инсониятни ўйлантираётган муҳим масалалардан – одамнинг одамийлигини асраб қолиш, шахс табиатининг табиийлигини сақлаш, инсон қалбидаги энг эзгу сифатларни ҳимоя қилиш, одамзотни маънавий таназзулдан қўриқлаш билан боғлиқ. Тобора мураккаблашиб бораётган жараён қаршисида туриб қолаётган инсониятнинг, одамзот организмнинг комиллик сифатларини сақлаб қолиши масаласи янги асрда, янги минг йилликда умуман башариятга алоқадор муаммодир. Ушбу масала улар билан боғлиқ бўлган ёш авлодга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммолари ҳам долзарб бўлиб турибди.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Сукрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Амир Темур, Алишер Навоий, Махатма Ганди каби буюк мутафаккирларнинг фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Ҳаётнинг, борлиқнинг - моҳиятини англаш тўғрисидаги буддизм динининг асосчиси Сиддхартха Гаутама ҳам қарашлари муҳим ўрин тутади. “Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб уқубатларни чуқурлаштиради. Ҳаёт азоб, туғилиш, севиш, ўлим, азобдан иборат. «Борлиқ гирдобидан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш,

хаётга чанқоқликдан, кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот топиш йўли»га кириш мумкин. Инсон бешта ахлоқий талабга амал қилиши талаб қилинади. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғрилик қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиш лозим.»⁵⁶

Сиддхартха Гаутама инсонни ҳаётда азоб-уқубатлардан қутқаришнинг йўллари топиш ҳақидаги таълимотида, унинг ечими инсоннинг ўзига боғлиқлигини асослашга уриниб, инсон фақат ўз кучига таянган ҳолда «нажотнинг олижаноб қуйидаги саккизлик йўлидан» онгли ҳаракат қилиб собитқадам бориши орқали ўз мақсадига эришиши мумкин деган ғояни илгари суради.

Инсон ўзининг ҳаёт фаолияти давомида ушбу қоидаларга риоя қилса дунёнинг моҳиятини теранроқ англай боради, мақсад муддоасига эришиб, охир-оқибатда юксак камолатга ва осойишталикка эришади. Гаутама таълимотида асосан тақводорликнинг йўллари ва талаблари тўғрисида фикр юритилади. Бироқ, ушбу таълимотда илгари сурилган ижобий ахлоқий талаблар, инсонни ўзини идора қилишга даъват этувчи тўғри фикр юритиш,

⁵⁶ Каримов И Хинд мутафаккирларининг комил инсон ҳақида фикрлари. Т.:2005й Б..7



2-рангли тасвир

феъл-атворни тўғри бўлиши, турмуш тарзини тўғри ташкил этиш куч-ғайратни, ниятни тўғри мақсадга қаратиш ҳақидаги ғоялар инсонларни ўзига жалб этган ва одамлар ушбу таълимотни қабул қилиб унинг талабларини бажарганлар.

Маҳадма Гандининг фикрича эса, “Инсоният – бу ягона, бўлинмас оила, унинг ҳар бир аъзоси содир қилган жинояти учун ҳар биримиз

жавобгармиз”⁵⁷ - деб таъкидлаган. Дарҳақиқат унинг бу фикри барчамизни лоқайдликка йўл қўймасликка чақиради.

Инсоннинг комиллик даражасига ета олиши - бу шунчаки орзу эмас, балки унинг эзгуликка хизмат қилиш, илмларни ўзлаштириш ва ривожлантириши, эзгу ишлар қилиш жараёнида эришилиши мумкин бўлган аниқ ҳодиса ёки олий даражадаги маънавий юксаклик ҳисобланади. Шундай экан, узлуксиз таълим бериш ва мақсадли тарбиялаш орқали комиллик сифатларига эга бўлган баркамол инсонларни вояга етказиш мумкин. Бу олий мақсад бўлиб, у мустақиллик йўлида бораётган мамлакатимиздаги маънавий ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Биз умримиз давомида ҳаётнинг оддий кўринган гўзал туйғуларидан баҳра олмас эканмиз, ҳаётнинг мураккаб йўлларида адашиб қолишимиз ва бунинг оқибатида жамиятга зарар келтирувчи нобоп ҳаракатларимиз доимий одатимизга айланиб қолиши мумкин.

Шунинг учун комил инсон ғоясининг маънавий соҳадаги ислоҳотлари асосий йўналишлари сифатида шаклланган туйғулар ҳақида қуйида фикр юритамиз:

Инсонларнинг комиллик даражасини белгилаб берадиган фазилатларга ва инсонларни комилликка олиб чиқадиган омилларга қуйдагилар киради.

ОДОБ - кўнгил чашмасининг гавҳари. Одобнинг одатлари инсоннинг бегадидир. Одобнинг хислатлари сизни камолот бўстониغا олиб киради. Ширин муомала, камтарлик, тилни ноўрин сўзлардан тиймоқ, ёмон хислатлардан кўз юмиш ва ҳоказо.

АХЛОҚ - кўнгилнинг ширин мевасидир, ота - она маслаҳатига қулоқ тутиш, тарбиячининг сабоғига амал қилиш, кўпроқ китоб мутоала қилиш, дўст танлашда эҳтиёт бўлиш, ёмонлар суҳбатидан йироқ юриш, яхшилар хизматида бўлиш.

ТАРБИЯ - ота - она тарбияси, боғча тарбияси, мактаб тарбияси, устоз тарбияси, оммавий тарбия, жамоа тарбияси вужуд тарбияси ва ҳоказо.

⁵⁷ В.П.Тугаринов “О ценностях жизни и культуры” Москва, 1980 г.

ТАРТИБ, тартиб кўнгил кўчасини одоб йўриғи билан пок сақлашдир. Тартибли киши доимо ахлоқий удумларни хурмат қилади. Жамият олдида ўз бурчини муносиб бажариб, ножўя ҳаракатлардан йироқ юради. Хиёнат қилмаслик, сабрли бўлиш, тўғрисўзлик, касбга меҳр, оилада жонбозлик кўрсатиш.

ИНТИЗОМ - кўнгил боғининг лоласидир. Интизомли шахс камолот сари интилади. Ақл кўзини очмоқ, удумларга риоя этиш, амалларни вақтида бажариш, ваъданинг устидан чиқиш, ёмон хислатлардан юз ўгириш каби фазилатлардир.

ОЗОДАЛИК - руҳиятни поклаш, чиркин одатларни кўнгилга сиғдирмаслик, вужудни пок сақламоқ, ёмон иллатларни одат қилмаслик, соғлом муҳитни яратишдир.

МУОМАЛА - инсон зийнати, ширинсуханлик, хушхулқлик, ахлоқий тушунчалар ва маданиятлилиқ хисларидир.

САХОВАТ - саҳийлик савоб ишларни доимо қилиш, инсонпарварлик туйғулари ва шавқатлилиқ белгисидир.

САХИЙЛИК - баҳамжиҳатлик мезонлари, меҳр - оқибат нишонлари, имкони борича мурувват кўрсатишдир.

ҲИССИЁТ - ҳиссиёт кўнгил боғини равшан этувчи онгдаги ботиний кучдир. Ўзини тута билиш, фаросатни юксалтириш, гуноҳдан йироқ туриш, кўнгилни пок сақлаш демакдир.

РУҲИЯТ - кўнгилнинг боғбонидир. Руҳият пок бўлса кўнгил гулшани ободдир. Ҳаромдан ҳазар қилиш, онгни юксалтиришдир.

КАЙФИЯТ - руҳиятни бошқариш, келажакка ишонч, яхши дам, мукамал илм олиш ва изланишдир.

БОКИРАЛИК - хушхулқлик, нозик туйғу, чиройли феъл-атвор, меҳрибонлик, ҳаё, эҳтирос, ибо, ор, номус, гўзал фазилатлар ва ҳоказо.

АҲДУ – ВАФО - қалб жавоҳири, кўнгилнинг кўзидир. Ваъданинг устидан чиқмоқ, муҳаббатга ишонч, севгига доғ туширмаслик, ота - она

бурчини адо этмоқлик, халқ хизматида бўлиш, Ватанига содиқ хизмат қилишдир...

БАҲАМЖИҲАТЛИК - инсон қудрати, халқ қудратидир, баҳамжиҳатлик, халқ дарди билан яшамоқ, унинг ижтимоий маънавий юксалишига ҳисса қўшмоқдир. Ҳиммат, хизмат, ҳақиқат учун курашишдир.

ЗЕҲН - онгнинг беағи, руҳиятнинг гавҳаридир. Вужуд тарбияси, илмга чанқоқлик, хотирани мустаҳкамлаш, мутоала ва ҳоказо.

ЗИЁРАТ - савобнинг асл турларидан бири. Оддий одамлар зиёрати, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ота -она ва ёру дўстларни зиёрат этмоқ ва хотирламоқдир.

ҲАМДАРДЛИК - кўнгил одоби, кўнгилчанлик, камтарлик, сахийлик, шериклик ва ҳоказо.

МОҲИРЛИК - кўнгил кўчасининг равонлигидир, меҳр, заҳмат, матонат, мардлик ва устамонликдир.

МЕҲМОНДЎСТЛИК - кишига кибру ҳаво, манманлик ётдир, одати камситмаслик, тортишмаслик, муомала маданиятини намоён этиш ва хожатбарорликдир.

РАҲМДИЛЛИК - меҳр булоғидан қайнаб чиққан малҳам. Меҳрибонлик, сахийлик ва шавқатлиликдир.

СИПОҲЛИК - ўзини пок сақлаш, ғурурли, нозик табиат, халқчил, элпарвар ва халқсевар бўлишдир.

ХАЙР- ЭҲСОН- яхшилик, оқибатлилик, саховатли бўлиш демакдир.

АДОЛАТ - иймонли бўлмоқ, мард ва жасурлик, жаҳолатга қарши мардона кураш, ҳақиқатпарварлик ва оила, маҳалла, юрт, ватан шаънини ҳимоя қилмоқлик ва одилона қарор чиқармоқликдир.

ЭҲТИЁТКОРЛИК - зарарли одатлардан чекиниш, ахлоқи бузуқлардан йироқ юриш, тилни тийиш, яхши ва ёмонни фарқига бориш, нафсни тийиш ва ҳоказо.

ЭҲТИРОС - бу, қалб кўзгусининг тўлкинидир. Яхшиларга ошно тутиниш, гўзал туйғулардан баҳра олиш, ҳаётдан завқланиш демакдир.

СОДИҚЛИК - ваъдага вафо туркумлари, ватанга, миллатга, урф - одатларга, ўзлигига содиқликдир.

САЛОМАТЛИК - кундалик режим таквими, парҳезкорлик амаллари, спорт турлари ва тиббий маданиятга риоя этишдир.

ОРИЯТ - қалб гўзаллиги. Нопокликка ёт ваъдасига содиқлик, теран фикрли, парҳезкор, камгап, камсуқумликдир.

МАДАНИЯТ - инсон қиёфаси. Тарбия, одоб, ахлоқ, интизом, тартиб, илм, маънавият ва маърифатли бўлиш демакдир.

ЎЗНИ ТУТМОҚ - ақлни чархлаш, ориятли бўлмоқ, камтарлик, камгаплик, ғурурли бўлмоқ, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота - онага меҳрибонлик, ўзгаларга хокисорлик, муомала маданиятини юксалтириш ва чекиш, ичиш, гиёҳвандлик, кибру - ҳаво, ғафлат, такаббурликдан йироқ юриш ва ҳоказо.

ДЎСТ ТАНЛАШ - унинг ички дунёсини англаш, синов муҳлати, одоби, ахлоқига нигоҳ, содиқлигини англаш ва ҳоказо.

КАСБГА МЕҲР - садоқатлилиқ, ҳалоллик, яратувчанлик ва ҳоказо.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧ - бу, ота - онага меҳрибонлик, оқибатлилиқ, насиҳатларга амал қилиш, ватан олдида мардлик, матонат, қаҳрамонлик, халққа ҳурмат, ватанга хизмат қилишдир.

Бугунги ўсиб келаётган баркамол авлодимиз ана шундай комилликка етакловчи барча инсоний фазилатларни таълим ва тарбия жараёнида англаб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Баркамол шахсни тарбиялашда, пед.ф.н.доцент М.Хамдамованинг «Узлуксиз таълимда баркамол шахсни тарбиялаш технологияси» деб номланган монографиясида ҳам юқоридаги фазилатлар инсонийликнинг комилликка етакловчи омиллари сифатида

эканлиги таъкидланади”⁵⁸. Шунингдек, амалий машғулотларни олиб боришда, тарихий музейларга ташриф буюриб мозийни ўргансинлар, сўлим кишлоқларимизга тadbир ва сайр уюштириб қадимий урф -одатларимизни, миллий ўйинлар ва лапарларимизни момоларимиз, боболаримиздан ўрганайлик, ўқув масканларида миллий либослар кўргазмаси, урф - одатларимизга асосланган халқ ўйинлари мусобоқалари, миллий таомлар тайёрлаш борасида моҳир пазандалик танловларини ташкиллаштира сак мақсадга мувофиқдир, дейилади.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган барча омиллар қаторида назарий томондан ҳафтада кундалик ўқув дастурига беш соатлик ўқиш тартиби киритилса, масалан, душанба куни руҳият дарси, саломатлик дарси, интизом дарси, зеҳн дарси, софдиллик дарси. Кейинги кун кундалигида аҳду вафо дарси, баҳодирлик ва мардлик дарси, моҳирлик дарси, парҳезкорлик дарси, оилапарварлик дарси, раҳбарлик дарси ва ҳоказо. Дарсларни давом эттиришимиз мумкин. Ватанпарварлик дарси, Халқпарварлик дарси, Орасталик дарси, Содиқлик дарси, Бокиралик дарси, Одиллик дарси, Ўзбекистон дарси, Муомала дарси, Ўзгаллик дарси, Савдо - сотиқ ва ўзбек бозори дарси ва ҳоказо. Амалиётда эса халқ ўйинлари, миллий анъаналарга асосланган либослар кўриги, миллий таомлар беаги, миллий ҳунармандлик ва ҳоказо. Ушбу биз таклиф киритаётган ўқув дастурларимиз фақат коллеж ва лицейларимиз учун мўлжалланган. Ва ушбу тизим ўқув масканларининг қайси бир йўналиши бўлсин барчаси учун бирдек зарур ҳаётий комиллик мактабидир. Комил инсонни шакллантиришда миллий тарбия бериш асосий ўринни эгаллайди: Таълим-тарбия жараёнида педагог-ўқитувчи ўқувчи ва талабаларга ўзини ўзи тарбиялаш, ўз камчилик ва нуқсонларини тузатиш, ўз шахсини ривожлантиришга ундайдиган энг кучли омил бўлган ўзини ўзи танқид қилиш принципига ижобий ёндашишни ўргатиши зарур.

⁵⁸ Ҳамдамова.М Ўзлуксиз таълим тизимида баркамол авлод тарбиялаш технология Т.: Фан. 2008. Б.85.



“Ўзига танқидий қараш, ўзини ўзи тарбиялаш жараёни, биринчидан, ўз нуқсонларини билиш ва шу асосда ўз олдиға мақсадлар қўйишға ёрдам беради, иккинчидан, у ўзини ўзи тарбиялашнинг объекти, мақсади бўлиб қолади”⁵⁹.

“Ўзига танқидий қараш учқуни киши онгига ўз вақтида сингдирилса, кейинчалик у ўзида бундай фазилатларни етарли даражада ўстириб боради”⁶⁰. А.

⁵⁹ Мухамедов А. Маданий-оқартув иши педагогикаси. Т.: Ўқитувчи, 1985й. — 137-б.

Мухамедовнинг фикридан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўқув муассасасида ўзига танқидий қараш учқуни ўқувчи-талабалар онгига ўз вақтида сингдирилса, ўқув юртини битирганидан кейин мустақил ҳаёти давомида ҳам улар ўзида маънавий-ахлоқий фазилатларни ўстириб боради.

Таълим муассасаларида махсус уюштириладиган маданий-маърифий тадбирларда иштирок этган, танқидий қараш қобиляти ўстириб борилаётган ўқувчи ва талабалар ўзини ўзи кузатиб, бошқалар билан таққослаб, тадбирда ижро этилаётган кўринишлардаги образлар билан таққослаб кўриб, таҳлил қилади ва ўзини баҳолайди.

Педагог-ўқитувчи ўқувчи-талабалар билан муносабатда, уларни қилган хатоси учун танқид қилиш ёки жазолашда жуда эҳтиёткор бўлиши зарур. Педагог тарбия жараёнида ҳар бир ўқувчи ва талабанинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларга эга эканини, уларнинг энг нозик босқич - ўсмирлик ёшида, ор-номус, шарму ҳаё, қизлик ва йигитлик ғурурини англаб етаётган, шу нозик туйғулар шаклланаётган даврда эканини унутмаслиги зарур. Танқидий муносабат асло қандайдир ғайрлик, бегоналик ҳиссини туғдирмаслиги, аксинча, меҳр, ишонч ва кадрлашга асосланган бўлиши керак. “Жазо адолат мезонига таяниб қўлланилмоғи лозим. Зеро, бу қўллаган жазо усулингиз ўқувчининг шаънига, ғурурига ва уни руҳий азоб-укубатларга солмаслиги назарда тутилиши керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигида бошқа чораларни ишлаб чиқиш керак”⁶¹. Тарбияловчи педагог ўз фаолиятида ўқувчи ва талабаларга ахлоқий таъсир этиш методи сифатида ўзини шахсий намуна қилиб кўрсатиши лозим. Яъни, педагогнинг иши, хатти-ҳаракати, хулқи, бошқаларга бўлган муносабатлари ўқувчи ва талабалар учун ижобий намуна бўлиши даркор.

⁶⁰ Мухамедов А. Маданий-оқартув иши педагогикаси. Т.: Ўқитувчи, 1985й. — 138-б.

⁶¹ Педагогика. Маърузалар матни. - Т.: Ўқитувчи, 2000 й. — 40-б.

Таълим-тарбия жараёни шарқона ахлоқ қоидаларига асосланиб олиб борилад экан, ўқувчи ва талабаларни тарбиялашда виждоний муносабатлар муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Иймон, қалб поклиги, онгли илму амалий фаоллик каби виждоний сифатларга эга бўлган педагог ўқувчи-талабаларни тарбиялашда, танқид қилиш ёки жазолашда ноҳақликлар, норозиликлар, адолатсизликка йўл қўймасликка интилади. Бундай ҳолатда педагог томонидан ўқувчи-талабаларнинг инсон сифатидаги кадри, шаъни, ор-номуси ҳимоя қилинади, ёшларда соғлом психологик иқлим вужудга келтирилади.

Илм-фанимизнинг ҳозирги замондаги долзарб вазифаларидан бири - ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллий ғоямизни назарий жиҳатдан янада такомиллаштиришдан иборат. Талабалар онгига миллий ғояни сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини, шахсиятини шакллантириш бугуннинг долзарб масаласидир. Маданий-маърифий тадбирлар ёшларни маънавий-ахлоқий, миллий-маънавий руҳда тарбиялашда катта ўрин тутди. Маданий-маърифий тадбирни ўзига хос мурватларни ҳисобга олиб ўтказиш орқали ёшларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ғоямизни сингдириш борасидаги фаолиятимизда юқори самарадорликка эришиш мумкин.


Таълим тизимида маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирилганлигини таъминлаш таълим муассасалари раҳбарлари, аввало, ўқув юрти раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг вазифасидир. Педагогика фанлари номзоди, доцент С. Турғунов, улар "... ўз фаолияти давомида ўқувчиларнинг мактаб ва мактабдан ташқари фаолиятидан хабардор бўлиши ва уларни назоратга олиши, маданий ва маърифий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўллари қўллаши зарур"⁶² эканлигини таъкидлайди. Маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

- маданий-маърифий тадбирларда юқори интерактивликка эришиш; —ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини ташкил этиш; —тадбирга комплекс ёндашиш; —

⁶² Турғунов С. Ўқувчиларда Ватанга мухаббат туйғусини ривожлантиришда мактаб раҳбарларининг ўрни. «Халқ таълими» журнали, 2006 йил 1-сон. – 86-б.

тадбирнинг маънавий-ахлоқий, миллий, тарбиявий рухда бўлиши; –инсон ва жамият манфаатларига уйғунлиги ва ҳ.к. Маданий-маърифий тадбирларнинг маънавий-ахлоқий тарбиядаги аҳамиятини тадқиқ этиш, аввало, шу атама ва унга турдош бўлган “маънавий-маърифий тадбирлар”, “маданий тадбирлар”, “бадий-оммавий тадбирлар”, “оммавий тадбирлар”, “бадий тадбирлар” сингари атамаларнинг мазмун доираси ва моҳиятини аниқлашни тақозо этади. Фикр юритилаётган атама тўғрисида профессор. У. Ҳ. Қорабоев шундай мулоҳаза билдиради: “Тадбирларда кенг қамровли ишлар олиб борилади ва улар кишиларнинг ишдан бўш вақтида керакли ахборотлар бериш, бадий-эстетик завқлантириш, маданий-ижодий ишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилади. Шунинг учун унга кенгроқ тушунча ва атама зарур бўлмоқда. Уларни кенг қамровли “маданий тадбирлар” деб атасак яхши бўлади. Кези келганда шуни айтиш лозимки, “оммавий тадбирлар”, “бадий тадбирлар” атамаларига ҳам мурожаат қилиш мумкин”⁶³. Профессор. У. Қорабоевнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни ҳам қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ўтказиладиган кенг қамровли маданий тадбирларнинг маърифий (аҳолининг билимдонлигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш) функцияси ҳам мавжудлиги боис бу тадбирларни “маданий-маърифий тадбирлар” деб аташ мақсадга мувофиқроқ бўлади.

⁶³ Қорабоев У. Маданий тадбирлар. Т.: Фан, 2003 й. — 21-б



2. Комил инсон ғоясини амалга оширишдаги маънавий омиллар

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бевосита Президентимизнинг йиллар давомида олға сурган қатор методологик вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун мамлакатимиз олимлари ва зиёлилари билан илмий- амалий нашр ишларини олиб боришни йўлга қўйди. Марказ миллий ғоя тарғиботининг долзарб масалаларини ҳам назарий, ҳам амалий томондан асослаш, фуқароларимиз ҳаётий позицияларини фаоллаштириш устида муайян ишлар олиб бормоқда. Яна бир марта таъкидламоқчимиз: мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш, дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга армиямизнинг салоҳияти, давлатимизнинг куч-қудрати етарли. “Лекин бизни ҳали суяги қотмаган, онги эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар

орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десак муболаға бўлмайди”⁶⁴. Шунингдек, глобаллашувнинг кучайиб бориши билан турли минтақаларда ёшлар онги ва қалби учун кураш жадаллашиб, ахборот коммуникациялари орқали уларнинг тафаккурига нисбатан ахборот хуружлари кучайиб бораётганини илғамаслик мумкин эмас.

Юртбошимиз кейинги вақтларда ҳаётимизга, комил инсонларнинг тарбиялаш жараёнига катта зарар келтирадиган “Оммавий маданият” селдек бостириб кириб келаётганидан бизни бир неча бор огоҳлантирди. Мафкуравий мухолифларимиз кишилар онги ва қалбига ёт ғояларни уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига сингдириш учун мафкуравий омиллардан фойдаланишнинг турли йўлларини изламоқда. Жумладан, моддий, иқтисодий, маънавий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва ноҳолис воситалари орқали ўз мақсадларини бизга тикиштириш, дунёқарашимизни, айниқса ёшларнинг фикрини бузиш, уларнинг дидини сийқалаштириш, қадриятларимиз қадрини сусайтиришга қаратилган ишлар тинимсиз, жуда катта суръат ва босим билан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, анъаналаримизни жўнлаштириш ва ундан ёшларимизни йироқлаштириш, ватанпарварлик ҳиссиётларига тескари таъсир этиш, уларнинг онгига “дунё фуқаролиги” тушунчаларини сингдиришга уринишлар давом этмоқда. Булар “оммавий маданият” ҳаётимизга қилаётган хуружларнинг ранг-баранг кўринишларидир.

XXI-аср ахборот асри. Энди хуруж ва урушлар давлат чегаралари, далалардан, тоғу-қумликлардан эмас, балки инсонларнинг онгидан, тушунчаларидан, қалбларидан ўтаётир, десак, айти ҳақиқатдир. Шу маънода бу урушнинг информацион таъсир доирасини шартли равишда қуришнинг: дезориентацияловчи — мўлжалдан чалғитувчи, дезинформацияловчи — нотўғри, ёлғон хабарлар тарқатувчи, дезорганизацияловчи — мавжуд ташкилотларни пароканда қилишга ундовчи,

⁶⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. — 462-б.

бузгунчи — онгни захарловчи, босим ўтказувчи ва ҳоказолар, деб таърифласак бўлади. Миллий ғоя тарғиботида геосиёсатнинг ҳам аҳамияти бор. “Геосиёсат”, яъни “гео” — ер, “сиёсат” — “давлат” ёки “иҷтимоий иш” маъноларини англатади.⁶⁵ Атаманинг тўлиқ қўлланиши геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабат ва мақсадлар мажмуаси. Геосиёсат узоқ тарихга эга бўлсада, тушунча сифатида XX аср бошларида шаклланди. У бугунги кунда мафкуравий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Масалан, ҳозирги пайтдаги мафкуравий таҳдидларнинг бир нечтасини санаб ўтиш мумкин:

Ислом халифалигини тиклашга интилиш ва ислом байроғи остига мусулмон мамлакатларини бирлаштириш ғояси;

-Ёш мустақил давлатларни яна иттифоққа бирлаштиришга интилиш ғояси;

Муқаддас ислом динини сохталаштиришга бўлган интилишлар ҳамда ҳар қандай воситаларни ишга солиб бўлсада, тинч вазиятни издан чиқариш орқали минтақавий можароларни келтириб чиқаришга интилиш. 2004 йил 29-30 март ва 1 апрел кунлари содир этилган ҳаракатлар, 2005 йил 13 майда Андижонда бўлган воқеалар юқоридаги интилишлар ифодаси эди.

Бир вақтлар бу тушунчаларни маърифатпарвари Абдулла Авлониёв ўзи очган мактабларда ўргата бошлаган эди. Афсуски, бундай ўзини англашга қаратилган, ватанпарварликни ўз ичига олган тушунчалар билан онгини шакллантирган авлод шўро тузумига мутлақо керак эмас эди.

Президент Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари якунида шундай ёзади: “... шонли тарихига садоқат билан қараб, бугунги озод ҳаётини қадрлаб, ўз келажагига катта умид билан интилаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътиқоди, мустаҳкам

⁶⁵ “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. Т.: Янги аср авлоди, 2001 й. — 44-б.

иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди, деб ишонаман”⁶⁶ . Бизнинг миллатимиз менталитети серқирра ва мустаҳкамдир. Миллатимизнинг босиб ўтган тарихий йўли, жуғрофий яшаш шароити, қуёшли кунлари, ҳосилдор замини, серсув дарёлари, қадимий обидалари шу халқнинг ақлий қобилиятларини ва руҳий қувватларини доимо юксакларга кўтарган.

Юртимизда яшаган халқларнинг ҳаётга, инсониятга, табиатга, жамиятга муносабати кўп минг йиллар давомида ана шундай меҳнат ва яратувчанлик, меҳрибонлик ва осойишталик, ҳар қандай шароитда каттага ҳурмат, кичикка иззат, муросаю-мадора, андишаю-мулоҳазага ўрин ва вақт топиш шароитида шаклланган ва сайқал топган. Бу фазилатлар комил инсонни тарбияловчи омил ва воситалардир.

Комил инсонни тарбияловчи омиллarning асосий буғини ватан туйғуси чин юракдан ҳис этишдир. Ватан – инсон туғилган муқаддас замин, бу замин унинг қалбида абадий қолади ва ҳеч қачон унутилмайди.

Ватан тушунчаси ва унга бўлган муҳаббат она сути, она бағри, она меҳр – муҳаббати, она алласи билан бола юрагига жо – бажо бўлади.

Миллий мафкурамизнинг бош асосий мақсади ҳамда ғояларидан бири ҳам Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш билан бирга комил инсонни вояга етказишдир.

⁶⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият— енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й. — 24-б.



Инсон, асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали, инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-харакатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси – тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин”,⁶⁷ - деган эди тарбияшунос олим Сафо Очил.

⁶⁷ Сафо Очил Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, Ўқитувчи. 1997 йил. 3-бет.

Дархақиқат, тарбия шундайин масъулиятли иш экан. Уни олиб бориш жараёнида тарбиячидан унинг мураккаблигини ақлий ўйинлар ва ҳаётий фаолият давомида тарбиячига осонлик билан тушунтирмоқлик талаб қилинади.

Комил инсонни тарбияловчи омилларнинг иккинчи бугини, инсон қалбига йўл: яъни, маънавиятни чиндан ҳам қудратли кучга айлантиришнинг йўл-йўриқлари; оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш чора-тадбирларидир.

“Маънавиятни қудратли кучга айлантириш учун қандай масалаларга биринчи галда эътибор бериш, қандай ишларни амалга ошириш зарур?” деган савол қўйилиб, “бу борадаги фаолиятни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этиш” гина “инсон қалбига йўл топиш” да ҳал қилувчи роль ўйнаши Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида атрофлича таҳлил этилганди. маънавиятни инсон қалбига сингдириш машаққатли ва шунингдек доимий фаолият экани, уни тизимли равишда ташкил этиш эса, мақсадга эришишнинг бирдан-бир устувор йўли экани ҳақида сўз юритилади. Шу сабабли ҳам китобда таълим-тарбия соҳаси, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, яъни инсон қалби ва тафаккурига таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжи, замон талабларига мос равишда кучайтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланади.

Оғзаки ижодиётнинг жамики бойликлари, бебаҳо асарлари, одобнома ва одатномаси, ҳикматларию афсона ва ривоятлари “халқ кўнглидаги қайғу - ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби”⁶⁸ дир. Бугунги ёшларимизда бундай маънавий ҳислатларни, миллий тарбияни шакллантиришда бўш вақтнинг роли жуда каттадир.

⁶⁸ *Лафарг*. Очерки истории культуры. Москва, 1926, стр.51

Бир “бола” бир “фарзанд” бир “инсон” тарбиясига барча бирдек жавобгардир. Чунки бу тарбия негизида юртнинг, халқнинг, миллатнинг келажаги ётади. Айниқса, биз инсон тарбиясини болаликдан, бешикдан бошламоғимиз зарур. Юксак маънан, ахлоқан тўғри тарбия топган бола келажакда “комил инсон” бўлиб етишиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам биз “комил инсон”ни шакллантиришни даставвал тарбия ўчоғи бўлмиш муқаддас макон “оила”дан бошламоғимиз зарур.

“Айнан шу масканда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларини олади, балки улардаги хатти-харакат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола ҳулқи, хатти-харакати мазмунига сингиб боради.”⁶⁹

Янги инсонни тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти бўлган маҳалла ва унинг оқсоқоллари, фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Улар одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида амалий ёрдам, ўринли маслаҳатлар бераётгани жойларда меҳр-оқибатнинг кучайиб, тинчлик-осойишталикнинг барқарор бўлишига хизмат қилаётгани ҳақида китобда ибратли фикрлар баён қилинади.

Юртимизда янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, комил инсон тарбиясида беқиёс ўрин тутадиган “эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди”. Айни пайтда ҳозирги дунёда турли маънавий таҳдидлар, жумладан “оммавий маданият”нинг ҳам зарарли таъсири кучаймоқда. Бу таъсирлардан биз ёшларнинг онгу тафаккурини ҳимоя

⁶⁹ Мусурмонова.О. Оила маънавияти миллий ғурур. Т.: “Ўқитувчи”. 14-бет.

килишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда”.

Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини-ўзи бошқариш идорасига айлантиришда катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича масаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айнан ана шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган Амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганини Эл-юртимиз юксак қадрлайди. Айниқса, ёш йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишида бу фидоий ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини ҳурмат билан эътироф этишимиз лозим.

Ёшлар комил инсонлар сифатида вояга етказиш маънавиятини ошириш масалаларининг бирламчи ёки иккиламчи вазифалари йўқ. Уларнинг барчаси бир йўла ҳамда доимий диққат-эътибор ва ҳушёрлик марказида турмоғи керак. Шунинг учун таълим-тарбия, билим ва дунёқарашга катта аҳамият берилмоқда. Ёшлар тарбияси бешикдан бошлаганидек, маънавий баркамоллик ибтидосини ҳам оила, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва ҳоказо масканлардан бошланади. У кечиктирилса, эгри кўчатни синдирмасдан тўғрилаш қанчалик қийин бўлса, маънавий камолатга эришиш ҳам шунчалик кечикади, ё оғир кечади.

“Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас макондир”⁷⁰

⁷⁰ Мусурмонова. О. Оила маънавияти миллий ғурур. Т.: “Ўқитувчи”. 8-бет.

Ҳозирги кунда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Комилликка интилиш — инсон учун мавжудлик белгиси. Маънавий бойлик ва комил инсонни тарбияга бўлган эътибор у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ходисаларга муносабатни ўзгартирди. Инсоният XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб, янги тарихий даврга қадам қўйди ва истиқболдаги ривожланишининг янги йўналишларини белгилаб олмоқда. Бу тарихий давр хусусиятлари, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари парадигмалари ўзгаришида намоён бўлмоқда.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларига доир анъанавий шаклланган тушунчалар мазмуни, кўлами, характери горизонтал ва вертикал йўналишларда ўзгармоқда. Бу дунё миқёсида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнларнинг глобаллашуви, интеграциялашуви, универсаллашуви ва интенсивлашувида ўз ифодасини топмоқда. Айнан ана шундай жараёнларда миллатнинг, Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топишига бўлган интилиши кучаймоқда.

“Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун кўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз”⁷¹.

Истиқлол туфайли янгилашни ва бунёдкорлик йўлидан бораётган миллат ва давлат, жамият бошқарувининг ўзига хос миллий, тарихий тажрибаларига, анъаналарига асосланади. Бошқача айтганда, демократик миллий давлатчиликнинг тарихий бошқарув мероси, тажрибалари бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаб бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан кейин демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишининг концептуал асослари яратилиши билан ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда тарихий, миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган эҳтиёж ҳам, талаб ҳам ортиб бормоқда. Чунки, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топиши ва ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига сингиб бориши янги типдаги инсоннинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислам Каримов “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”⁷², — деб таъкидлайди.

Бундай муштарак стратегик мақсад, бир томондан, миллий, ўзига хос давлат бошқарувининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларини, имкониятларини тақозо қилади. Иккинчи томондан, муқобил демократик тамойиллар ва андозалар(стандартлар)нинг замон талабига мос

⁷¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. // Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи», 2005 йил, 10 декабрь. — 2-бет.

⁷² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005 й. — 34-б.

динамик ўзгариб бориши, уларнинг янги назарий-методологик асосларига эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, демократия феноменини ўрганишда турли фанларнинг интеграциялашиш ва дифференциациялашиш йўналишларини белгилаб бермоқда.

Хусусан, фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, миллий демократик кадриятлар ривожини умуминсоний кадриятлар билан бойитиш ва уйғунлаштириш, жамият сиёсий институтлари фаолиятини умумэтироф этилган демократик тамойиллар билан такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларда турли-туман кучлар мувозанатини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш асосларини ташкил этишдан иборатдир. Айнан мана шундай сиёсий шароит мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш туфайли вужудга келмоқда.

Иккинчи боб юзасидан хулоса

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарор бундай жумла билан бошланади: “Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда”⁷³ Мазкур қарорнинг Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги жумла билан бошланиши ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга нақадар катта эътибор беришимиз зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда маърифий тадбирларнинг аҳамияти ҳам Президент қарорида аниқ кўрсатиб берилган. Қарорнинг Миллий ғоя ва

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори, Халқ сузи газетаси, 2006, август.

мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаларига бағишланган қисмида, жумладан, шундай дейилади: “Аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва кадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш”⁷⁴.

Президент қарорида миллий ғояни тарғиб қилишда маданий-маърифий тадбирларга алоҳида ўрин ажратилиши мазкур тадбирларнинг бир қатор хусусиятлари билан боғлиқ. Бу тадбирлардан миллий ғояни тарғиб қилишда самарали фойдаланиш учун мана шу хусусиятлар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш зарур.

Маданий-маърифий тадбирларнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган оммавийлик кичик ва катта гуруҳлар фаолиятидаги ўзига хос ижтимоий-психологик механизмларни ишга солишни тақозо этади. Бундай механизмлар орасида энг муҳимларидан бири ижтимоий-психологик яқинлик, ҳамфикрлик, ҳамдардлик, туйғудошлик ҳиссининг пайдо бўлишидир. Маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилувчилар ана шундай руҳий ҳолат вужудга келишидаги нозикликларни тўла ва чуқур англаши, улардан усталик билан фойдалана билиши керак. Бундай маҳоратга эга бўлмай туриб маданий-маърифий тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиб бўлмайди. Шундагина бизда комил инсонларни тарбиялашимизда замин яратилади, деб уйлаймиз.

“Таълим-тарбия масаласи мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб бугунимиз ва келажагимизни ҳал қиладиган энг устувор ва долзарб вазифа сифатида юртимизда кун тартибига қўйилди. Бугунги кунда бу соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун яратилаётган замонавий шароитлар туфайли ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳеч кимдан кам бўлмасдан

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори, Халқ сузи газетаси, 2006, август.

вояга етаётгани барчамизга мамнуният етказди”⁷⁵, - дейди Ислон Каримов. Дарҳақиқат, бизнинг давлатимиз томонидан танланган иқтисодий, ижтимоий, моддий ва маънавий йўлимиз ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун тўғри эканлигидан далолат беради.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустиқил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир.

Биз буюк миллатимиз, одамийлик эҳсонлари, борлиқ ва борлиғим, саломатлик сирлари, ҳайвонот ва табиат, юртим таърифимда, мен ватанни севаман, халқ ўйинлари, миллий пазандалик, ўзбегим либослари, мумтоз наволар каби дарсларни ёки тадбирларни ташкил этиш ўйлаймизки, миллатимизнинг ҳаётий тажриба ва илмий салоҳиятига бебаҳо ҳисса қўшади. Ва айнан ана шундай йўналишдан битирув имтиҳонлари жорий қилинса, фарзандларимизни ватанга, миллатимизга, халқимизнинг маданияти, маънавияти, урф - одатларини нақадар теран англашига қараб унинг комиллик даражасини англаб оламиз. Инсонийлик мактабида инсонийликнинг энг гўзал ҳам ички, ҳам ташқи қиёфаси мужассамланган. Бунда фарзандларимиз инсонийликнинг энг гўзал туйғуларини ўрганадилар. Мураккаб ҳаётга комил инсон сифатида кириб борадилар.

⁷⁵ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.

III-БОБ.ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

1.Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими асосида комил инсон шахсини шакллантириш методлари

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими асосида комил инсон шахсини шакллантириш методлари ва воситаларини қуйидагича белгилаб олинди ва тажрибадан ўтказилди:

1. Бутун ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни аниқ белгилай олиш, талабларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш асосида мустақил фикрлашини ривожлантиришга эътибор қаратиш.
2. Ана шу мақсадда муаммоли таълим, ўйин технологиялари, танқидий фикрлашни ривожлантириш технологиялари ҳамда индивидуал, гуруҳли ўқув фаолиятини ташкил этиш шаклларида фойдаланиш.
- 3.Ноанъанавий дарс ўтиш ёрдамида ўқувчи - талабаларда жамиятда қотиб қолган фикрлашини ўзгартириш, эскича фикрлашдан ҳоли қилишни йўқ қилишни ташкил қилиш.
4. Мунозара, кўрсатма, намуна, ахлоқий суҳбат каби онгни шакллантирувчи, тадбирлар уюштириш лозим.
5. Яхши хулқ-атвори шакллантириш методларидан фойдаланиш ҳамда тарбиянинг оммавий шакллари – мавзули кечалар, ўқув конференцияларини ўтказиш.
6. Ўқув-тарбия жараёнига технологик ёндашув: ўқитувчининг мақсади, талабанинг вазифаларини ойдинлаштириш.
- 7.Воқеаларга, янгиликларга ҳолисона муносабат билдира оладиган воситалардан фойдаланиш.(Видеофильлар орқали)
- 8.Боқимандаликнинг зарарини исботловчи мисоллар келтириш.(Жиноят ва жазо, инсон ва қоун, қизил ҳудуд кўрсатувлари орқали)
- 9.Кенг тарғибот ташвиқот оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш.(Кундалик матбуот ва интернет орқали)

10. Миллий ўзликни англашга даъват этувчи тадбирларни ўтказиш.(Миллий байрамларни намойиш қилиш орқали)
- 11.Маънавий-маърифий тадбирларни мазмунини янада бойитиш.(Маънавият кунлари тадбирларида)
- 12.Таълим ва таълимдан ташқари фаолият доирасида иш олиб бориш. “Эзгу ҳаёт йўлидан адашганлар” мавзусида мунозара – дебатлар ўтказиш.
- 13.Салбий фазилатларга эга бўлган шахслар образларини театр, кино, адабий асарларда замонавий услубда тасвирлаш. (Одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг мақсадини очиб бериш)
14. Фактлар, материалларни таҳлил қилиш.(Радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар орқали)
15. “Ёвузлик - сотқинликнинг йўлдошидир” мавзусидаги суҳбатлар, дебатлар уюштириш.
16. Таълим-тарбия жараёнида ўқув материаллари асосида – ўқув жараёнини ташкил этишда маънавий тарбияни ривожлантиришга эътиборни қаратиш.
- 17.Бой ўтмишимиз, авجدодларимиз материаллари, археологик асар ва манбалардан фойдаланиш.
18. Маънавий камолот ва жисмоний соғлиқ ҳақидаги китобларни таҳлил қилиш. (Ижодий баҳс – мунозара ўтказиш)
19. Ватанпарварлик, эл-юртга садоқатлиликининг моҳиятини чуқур англашга ундаш.
- 20.Мунозара, кўрсатма, намуна, этикага оид суҳбат каби онгни шакллантириш, тарбияловчи вазият, топшириқ, ижтимоий фикр каби хулқ-атвор тажрибаларини шакллантириш методларидан фойдаланиш ҳамда оммавий шакллари – мавзули кечалар, ўқув конференцияларини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

**Чирчиқ шаҳар 21-умум ўрта мактабда олиб борилган дарс намунаси
машғулотининг технологик харитаси**

Мавзу:	Комил инсон ғояси.
---------------	---------------------------

1.1 Таълим бериш технологиясининг модели

Ўқувчилар сони: 25-30 тагача	Вакти: 45 дакика
Ўқув машғулотнинг шакли	Информацион баҳс – мунозарали дарс
Маъруза режаси	1.Комил инсон ғояси ва уни шарқона таърифи. 2. Мустакиллик йилларида комил инсон тарбиясига берилаётган эътибор.
Машғулотнингмақсади:	Комил инсон ғоясини мазмуни ва моҳиятини ёритиб бериш.
Педагогик вазифа:	Ўқув фаолиятининг натижаси:
Комил инсон ғоясини ёритиб бериш	Ўқувчилар комил инсон тушунчасини маъно ва мазмунини билиб оладилар.
Мустакиллик йилларида комил инсон тарбиясига берилаётган эътибор	Ўқувчилар комил инсон тарбиясига берилаётган эътиборни билиб оладилар .
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, «Кластер» технологияси, «Нимада?» технологияси, ФСМУ, “Ҳамкорликда ишлаш”, ақлий хужум, инсерт жадвали.
Ўқитиш воситалари	Компьютер тенологияси, слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланганлиги.
Мустаҳкамлаш	Талабалар билимларини мустаҳкамлаш учун саволларни беради. БЛУМ усулларида фойдаланиб, мавзу мустаҳкамланади.
Баҳоланади	Кузатиш , оғзакиназорат, савол –жавоб, топшириқлар

1.2 Комил инсон ғояси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1. Мавзуга кириш (5 дақиқа)	1.1 Ўқув курси номини айтади. Экранга янги мавзунинг режаси ёзилади.(1-илова). 1.2 Курснинг кириш қисми тушунтириб берилади. 1.3 Ўқувчилар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништирилади. (1 илова)	Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	1.1 Power point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 1.2 Комил инсон ғоясига оид маълумотларни беради.(2-илова). 1.3 Комил инсон тарбиясида маънавий ахлоқий қарашларига оид маълумотларни беради(3-илова). 1.4 «Кластер» методи асосида ўқув материали мустаҳкамланилади. (4-илова).	Ёзадилар. Ёзадилар. Тинглайдилар Саволларга жавоб берадилар. Таҳлил қиладилар.
3-босқич. Яқуний босқич.	3.1 Мавзу бўйича ўқувчиларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади.(5 илова) 3.2 Ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаш учун саволларни беради. ФСМУ методидан (6-илова), Инсерт (7-илова)дан фойдаланиб, мавзу мустаҳкамланади.	Саволлар беради. Вазифани ёзиб олади.

**Мавзу: Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий соҳадаги
ислохотларнинг аҳамияти.**

Режа:

1. Комилинсонғоясивауни шарқона таърифи.
2. Мустакиллик йилларида комил инсон тарбиясига берилаётган эътибор.

1-илова

Баҳолаш мезон ива кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5	Жами балл


Комил инсон ғояси ва уни шарқона таърифи.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамыз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилиқ, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлиқ, тарбияланганлик ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонқуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилиқ, фидокорлик, хушмуомалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлилиқ, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилик, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳақозолар;

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилиқ, масъулиятлилиқ, инсофлилиқ, ҳалоллик, малакалиқ, эпчиллик, удабуронлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилиқ ва бошқалар.



Мустакиллик йилларида комил инсон тарбиясига берилаётган эътибор

Комил инсон ғояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, инсониятга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Кишиликтарихиданмаълумки,
комилликсифатифақатгинаинсонганисбатанқўлланилади.

Зеро ер
юзидагитирикмавжудотларорасидафақатодамзотгинаақлгаэгабў
лганягонабунёдкорҳисобланади.

Жадвални тўлдиринг.

1-гурух

Савол	Комилликнингқандайфазилатларинибила сиз?
(Ф) Фикрингизнибаёнэтинг	
(С) Фикрингизбаёнигасабаб Кўрсатинг	
(М) Курсатгансабабингизни исботловчидалилkelтиринг	
(У) Фикрингизниумулаштиринг	

2-гурух

Савол	Аллоларҳақидаги фикрларини баён қилинг?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни мулаштиринг	

Инсерт жадвали

7-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар

Инсерт жадвали:

Маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш, маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
Матнда қуйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар;
V-.... Ҳақидаги билимларга жавоб берадилар;
«-»-.... Ҳақидаги билимларга қарама-қарши;
«+»-.... Янги маълумотлар
«?»- тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади)

Мавзу: Комил инсон ҳояси

Дарсинг мақсади:

Таълимий мақсад: Ўқувчиларга комил инсон ҳояси тушинчаси, унинг шарқона таърифини тушинтириш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларни комил инсон руҳида тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш. Уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш.

Дасрни жиҳозлаш: Дарслик, қўшимча адабиётлар, расмлар жадваллар, тест тарқатмалари

Дарсда фойдаланиладиган усуллар: “Ҳамкорликда ишлаш”, “Ақлий ҳужум” усуллари.

Асосий тушунчалар ва таянч билимлар: Маънавият, комиллик, Баркамоллик тушунчалари, ўзликни англаш, Ватанга ҳурмат, ватанпарварлик, садоқатлилик

Дарсинг бориши:

I. Ташкилий қисм: Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш

1. Маънавият сўзи нималарни англатади?
2. Комиллик нима?
3. Комиллик тимсолларига кимларни мисол кила оласиз?

II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш


Ўқувчиларнинг ўтган мавзу юзасидан олган билимлари “Ақлий ҳужум” усулида қуйидаги саволлар асосида сўралиб мустаҳкамланади ва янги мавзуга боғланади.

1. Халқ фаровонлиги деб нимага айтилади?
2. Халқ фаровонлиги йўлида нималар қилиниши керак?

3. Ватанпарварлик ва фидойилик деганда нимани тушунасиш?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтган мавзу юзасидан олган билимларини мустаҳкамлайди ва янги мавзуга боғлайди.

Дарснинг бориши:



Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, «Инсони комил» номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва

тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарсга камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.



Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамыз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.



Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто

фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш - яхши, мулойим тилли бўлиш, раҳмдил бўлиш, сахий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилиқ, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улуғсифатлик, ўзига ҳослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилиқ, тарбияланганлик ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилиқ, фидокорлик, хушмуомалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлилиқ, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳақозолар;

Ишбилармонлик хислатлари: **ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилиқ, масъулиятлилиқ, инсофлилиқ, ҳалоллик, малакалиқ, эпчиллик, уddaбурунлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилиқ ва бошқалар.**

Мустаҳкамлаш:

1. Комил инсон гоёси кандай гоё?
2. Комиллик кандай фазилатларда намоён булади?
3. Инсон мукаммал булиши учун унга кандай шароит зарур?
4. Фуқаролик жамияти барпо этишда комил инсон гоёси кандай аҳамиятга эга?
5. Ушбу расмларни изоҳланг.



А)



Б)



С)



Д)

Уйга вазифа: Мавзуни ўқиб ўрганиш. Комиллик тимсоллари ҳақида маълумот топиш.

2.Олинган тажриба-синов ишлари натижаларининг қиёсий таҳлили

Миллий ғоя ва маънавият асослари даосларида педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнида тажриба - синов ишларининг тизимини ташкил қилиш ва унинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида олинган натижаларнинг амалий аҳамиятини тасдиқловчи ва бир - бирини тўлдирувчи методлар мажмуасини қўлладик.

Тажриба - синов ишларини амалга ошириш учун 2011- 2013 йиллар мобайнида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабнинг 8-синф ўқувчилари ва ўқитувчилари билан тадқиқот ишлари ўтказилди. Тадқиқот ишини олиб боришда 8-синфлар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Буларда назорат гуруҳига 8“А” , тажриба гуруҳига

8“Б” синф ўқувчиларига ажратилди. Шундан, 30 та ўқувчи назорат гуруҳларига, 30 та ўқувчи тажриба гуруҳларига жалб қилинди. Тажриба - синов ишларида жами 60 та ўқувчи иштирок этди. Учтепа тумани “Миллий ҳунармандчилик ” касб-ҳунар коллежидан 60 нафар талаба таъминланди.

1. Тажриба синов ва назорат майдонлари таркиби

2.

№	Мактаб	Тажриба гуруҳи	Ўқувчилар сони	Назорат гуруҳи	Ўқувчилар сони	Ўқувчиларнинг умумий сони
1	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 21- мактаб	8 Б	30	8А	30	60
2.	Учтепа тумани “Миллий ҳунармандчилик ” касб-ҳунар коллежи	107 гр.	30	108 гр	30	60

1- жадвал.

Тажриба гуруҳларида дарс таклиф этаётган педагогик технологияларни қўллаш, ривожлантириш асосида, назорат гуруҳларида эса анъанвий услубда амалга оширилди.

Педагогик тажриба синов-ишларини ташкил этиш методикаси юқорида, ўқувчилар миллий ғоя ва маънавият асослари фанини ўзлаштиришда йўл қуяётган хато ва қачиликларни улар олдидаги муаммоларни ўрганиш жараёнига асосланади. Тажриба-синов ишларини қуйидаги тартибда дастури ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов дастури.

1.Умумтаълим мактабларида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг умумий ҳажмини аниқлаш ва фаннинг ўқитилиш жараёнини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2. Ҳар бир синфларда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг ўқитилиш жараёнларини кузатиш, ўқувчиларнинг фанга оид назарий ва амалий билимларини аниқлаш.

3. “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани юзасидан ўқувчиларнинг

назарий ва амалий билимларини ошириш учун замонавий педагогик технологияларга асосланган тажриба - синов дарс ишланмаларини тайёрлаш

2. “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани мағгулотларини ташкил этишда:

А) интерактив

Б) инновацион

С) ахборот технологиялари

Д) табақалаштириб ўқитиш

Е) дидактик ўйинли ўқитиш

Ж) муаммоли ўқитиш методларидан фойдаланиш.

5. Ҳар бир метод бўйича олинган натижаларни аниқлаш ва таққослаш.

6. Олинган назарий ва амалий билимлар натижаларини ўрганиш ва таққослаш, ўқувчилар билим ва кўникмаларида ўзгариш даражасини қайд қилиш.

7. Олинган илмий натижаларни кафедра йиғилишида, илмий конференцияларида олиб чиқиш ва улар асосида тавсиялар бериш.

Ўтказилган тажриба-синов иши юқоридаги дастур асосида ташкил этилди.

1-жадвалда қайд этилган тажриба гуруҳларида биз ишлаб чиққан технология асосида “Миллий ғоя ва маънавият асослари” дарсларини йўлга қўйиш учун дастлаб иш режалари, календарли режа ва кунлик иш режалари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Йиллик режага кўра ҳар бир синфда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани ҳажми 34 соатни ташкил қилади.

Тажриба –синов ишларида тажриба гуруҳи 8-синфларда юқорида келтирилганноанъанавий усуллар, саҳналаштириш, тренинг, бошқотирма, турли хил топишмоқлар шаклида дарс ташкил этилди. Бу эса таълим самарадорлигини оширишга сабаб бўлди. Бунинг исботи сифатида жадвал 2.жадвалжда тажиба гуруҳи аъзоларининг ДТС асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинги натижалари аниқланди. Ушбу жадвалда тажриба

гуруҳи синфлар ҳамда ўқувчилар сони асосида самарадорлик фоиз ҳисобида аниққилиб кўрсатилган.

Тажриба гуруҳ аъзоларининг ДТС талаблари асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинг натижалари.

2012-2013 ўқув йили

Тажриба гуруҳида жами 25- 30 тадан ўқувчи						
Синфи гуруҳи	Ўқувчи сони	86-100%	71-85%	55-70%	Умумий самарадорлик	Сифат самарадорлик
8"Б"	30	10	15	5		
мактабда		33%	50%	17%	86%	83%
107-гр.	30	11	15	4		
КХК да		37%	50%	13%	85%	87%

2-жадвал.



Юқоридаги жадвални тағлил қиладиган бўлсак, 8"Б"-синфда 30та ўқувчи бўлиб, 100% ўзлаштиришга эга бўлган ўқувчилар мавжуд эмас. 86-100% гача бўлган фоиздан 10 та бунинг фоизи 33%ни , 71-85% гача бўлган фоиздан 15 та бунинг фоизи 50%ни, 55-70%гача бўлган фоиздан 5 та бунинг фоизи 17%ни ташкил этади. Сифат самарадорлиги 83%ни ташкил этди.

Назорат гуруҳ аъзоларининг ДТС талаблари асосида билим, кўникма ва малакалари мониторинг натижалари

2012-2013 уқув йили

Назорат гуруҳида жами 25- 30 тадан ўқувчи						
Синфи Гуруҳи	Ўқувчи сони	86-100%	71-85%	55-70%	Умумий самарадорлик	Сифат самарадорлик
8"А"	30	4	16	10		
мактабда		13%	54%	33%	80 %	67%
108"А"	30	5	16	9		
КХК да		17%	53%	30%	75%	70%

2. ва 3. - жадваллар таҳлилининг диаграммаси



III-боб бўйича хулоса.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий, сиёсий ва маънавий мавқеи кундан кунга ортиб бормокда. Таълим тарбия соҳасида депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолмаслик учун – таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштирилади. Халқимизнинг миллий педагогик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон миллий педагогик технологияси яратилган.⁷⁶

⁷⁶ Зиёмухамедов. Б , Абдуллаева. Ш. Илғор педогогик технология.назария ва амалиёт. Абу Али Ибн Сино. Т.2001.436

Педагогик технологиянинг том маъно ва мазмунини билиш, унинг асосида ҳар бир фаннинг, ҳар бир дарснинг лойиҳасини тузиб чиқиш учун мажмуалар назариясини қонуниятларига юз фоиз суянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни ва янгича дунёқарашни ифодалайди.

Педагогик технологиянинг натижасида, ўқувчи ва талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиш эмас, балки таълим жараёни якунида конкрет ҳаракатларни бажаришга йўналтирилганлигидир.

Узлуксиз таълим тизимида шахс маънавиятини тарбиялашга оид тажриба-синов ишлари олиб борилиб, натижалари қиёсий таҳлил қилинди.

Тажриба синов ишлари умум ўрта таълим, ўрта махсус таълим масканларида ўтказилди.

Комил инсон ғоясини амалга оширишда маънавий ислохотларнинг аҳамиятининг мазмун, моҳиятини англамай туриб, юксак маънавиятли баркамол шахсни вояга етказиш таълим жараёнидаги маънавий ислохотларни узвий боғлиқлигисиз, мақсадларига эришиб бўлмайди.

Комил инсон шахсини шакллантириш методларидан унумли фойдаланиб ўтилгандан узлуксиз таълим бўйича маънавият дарсларида ўқувчиларнинг дунёқараши умумий ўзлаштириши аниқланди. Натижага кўра, назорат гуруҳи 80%, 75%, ларни, тажриба гуруҳи 86%, 85%, ларни кўрсатди.

Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Шундагина биз кўзлаган мақсадга эришамиз.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Комил инсон ғояси миллий мафкурамизнинг асосий бунёнкор ғояларидан бири бўлиб, бу ғоянинг амалга ошириш катта амалий ва назарий аҳамиятга эгадир.

Комил инсон ғоясининг моҳияти ва назарий аҳамияти илмий изланиш жараёни шарқ ва ғарб олимлари томонидан қандай тарзда ўрганилиб келинганлиги мукаммал тарзда ёритиб бера олинди. **Комил инсон** ғояси бугунги кунда илгари сурилган ғоя хисобланмасдан, ушбу ғоя бунёдкор ғоя сифати узоқ асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларида ўрганиб келинган, ҳамда **Комил инсон** тарбияси тўғрисида кўплаб илмий адабиётлар ёритилган.

Тадқиқот жараёнида **Комил инсон** ғояларининг вояга етказиш тўғрисидаги қарашлар шарқ мамлакатларида яшаб ўтган кўплаб алломаларнинг асарларида илгари сурилган. Хусусан комиллик ҳақидаги энг қадимги манбалар Авесто китобида ундан сўнг алломаларнинг илмий маънавий меросида учрайди. Хусусан Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғати турк”, Фирдавсийнинг “Шохномаси”, Алишер Навоийнинг бир қатор асарларида, Амир Темирнинг “Темир тузуклари”, Абу Наср Фаробийнинг асарларида, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб ва бошқа кўплаб алломалар асарларида кенг ўрганилиб келинган. **Комил инсон** масаласи ислом динида ҳам чуқур ўрганилган масаладир. Инсон комиллик даражасини белгилаб берадиган фазилатлар “Қуръон Карим” ва Хадис шариф сингари манбаларда кенг ёритилган. Бу манбаларда саховат, жасорат, сабр тоқатлик, ватанпарварлик ва шу сингари кўплаб фазилатлар инсоннинг комиллик даражасини белгилаб берадиган омиллар сифатида ёритиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг ёзиш жараёнида Ислом маърифатида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган алломаларимиздан Имом ал Бухорий, Ахмад Яссавий, Имом ат Термизий, Баховуддин Нақшбандий сингари ва шу қаби хадис илмининг номоёндаларининг фикрларидан фойдаланилди.

Комил инсон масаласи шарқ халқлари маънавий ва маърифий ҳаётида доимо энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Комил инсон мавзуси шарқ халқлари сингари ғарб мамлакатларида ҳам чуқур ўрганиб келинган.

Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган. Бунга мисол қилиб, Аристотел, Сукрот, Платон, Афлотун, Демокрит ва шу сингари алломалар ҳам комиллик масаласига алоҳида эътибор берилган. Ғарб мамлакатларида жамият тараққиёти борган сари илм фан ривожланиб, комиллик масаласи янада чуқурроқ ёритила бошланди.

Маънавий ва маърифий тараққиёт юксалиб борар экан инсон камолати масаласини янада мукаммалроқ ўрганиш имконияти ёритиб берилади. Комил Инсон масаласини илмий равишда таҳлил этиш аجدодларимизнинг. Комил инсон ғояларининг янада мукамлроқ ўрганиш имкониятлари мустақилликка эришганимиздан сўнг янада ортди.

Комил инсонларнинг жамият ҳаётидаги ўрни катта эканлиги кишилик жамият тарихи алоқаларида асослаб берган. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ комил инсонларнинг вояга етказиш масаласи энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг асосий мақсад қилиб қўйган.

Мафкурамизда комил инсон ғоясининг ҳам ҳеч кимни ажаблантирмайди. Комил инсон ғояси амалга ошириш мураккаб ва маъсулятли вазифа бўлиб, унинг амалга оширилаётган ислохатларнинг аҳамияти катта эканлиги магистрлик диссертациянинг илмий равишда асослаб берилган.

Магистрлик диссертациясида мавзу юзасидан умум таълим ва ўрта махсус касб хунар таълим тизимида ўтказилган тажриба синов ишлари уларнинг натижаларининг таҳлили қўйилган талаб даражасида ёритиб берилган.

Фойдаланилган адабиётлар

РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. И.А. Каримовнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451 -сон Қарори
2. И.А. Каримовнинг №842. 23.04.1994 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони
3. И.А. Каримовнинг № 1559. 09.09.1996 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони;
4. И.А. Каримовнинг № 2385. 03.09.1999 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони
5. ВМҚ № 288. 08.06.1994 й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”;
6. ВМҚ № 311. 24.07.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

II Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура, 1-жилд, Т., Ўзбекистон. 1996
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин, 2-жилд, Т., Ўзбекистон. 1996
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳкаби муқаддасдир, 3-жилд, Т., Ўзбекистон. 1996
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. Т.: «Ўзбекистон» 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон 1997.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: Ўзбекистон 1997.
7. Каримов И.А. “Юксак маънавият -енгилмас куч”Т: “Ўзбекистон” 2008
8. Каримов И.А. "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз". Т.: "Ўзбекистон". 2001.
9. Каримов И. А Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажаққа ишончдир. «Фидокор». Газетаси муҳбири саволига жавоблар Т: 2 -б. 2000й 8 июн.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009й. — 7-б.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005 й. — 34-б.

III Асосий адабиётлари

1. Комилов.Н. Тасаввуф.(Биринчи китоб).Т.: Ёзувчи. 1996. 145 бет
2. Комилов.Н Комил инсон миллат келажаги. Т.: Ўзбекистон .2000. Б.15
3. А. О.Маковельский. Авесто. Баку. «Азербайжан». 1960. С. 18.
4. Хайруллаев М.М. Ўтмиш мутафакирлари таълим-тарбия ҳақида. /Халқ педагогикаси инсон камолотининг асоси/.
5.Нишонова С. Комил инсон тарбияси. Т.: Истиқлол. 2003. 130-бет
- 6.Зиёмухамедов. Б Комилликка элитувчи китоб. Тошкент.: “Турон иқбол”
2006. 202бет 203б
- 7.Нажмиддин К. Муаллиф ҳақида икки ҳикоя. -/Ҳусайн Воиз Кошифий.
Футувватнома Султоний ёҳуд жронмардлик тариқати. Т. — Абдулла
Қодирий нашри 1994 8-саҳифа
- 8.Плутарх. Сочинение. Перевод с древнегреческого. Составитель С.
Аверенцева. Москва. Художественная литература. 1983.
9. Муқаддас китоб. ИНЖИЛ. Стокгольм. 1993. 5-бет
- 10.Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент. «Камалак».
1991.51—60-бет-
11. “Темир тузуклари” Ғ.Ғулом нашри. Т.: 1991. 58 б
- 12.Имомназаров.М Глобаллашув ва маънавият.Маърузалар матни. 2012й
13. Имомназаров.М Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлл.Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.:Ўзбекистон файласуфлар миллий
жамияти нашриёти, 2006. 291-бет.
14. В.П.Тугаринов “О ценностях жизни и культуры” Москва, 1980 г.
15. Ҳамдамова.М Узлуксиз таълим тизимида баркамол авлод тарбиялаш
технология Т.: Фан. 2008. Б.85.
- 16.Мухамедов А. Маданий-оқартув иши педагогикаси. Т.: Ўқитувчи,
1985й. — 137-б.
17. Қорабоев У. Маданий тадбирлар. Т.: Фан, 2003 й. — 21-б
18. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. Т.: Янги аср
авлоди, 2001 й. — 44-б.

19. Сафо Очил Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, Ўқитувчи. 1997 йил. 3-бет.
20. Мусурмонова.О. Оила маънавияти миллий ғурур. Т.: “Ўқитувчи”. 14-бет.
21. Геродот. История в девяти книгах. Книга первая. “Наука”. 1972. Стр.55-56
22. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. 34-бет.
24. Каримов И Хинд мутафаккирларининг комил инсон ҳақида фикрлари. Т.:2005й Б..7
25. *Лафарг*. Очерки истории культуры. Москва, 1926, стр.51

IV Қўшимча адабиётлар.

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри / Тузувчи М.Маҳмудов. — Т.: Халқ мероси, 1993.
2. Авеста: Избранные гимны / Пер. с. авест. и коммент. проф. И.М. Стеблин-Каменского. Предисл. проф. В.А.Лившица. — Душанбе: Адиб, 1990.
3. Азизиддин Насаллӣ. Зубтадул ҳақойиқ // Комил инсон ҳақида тўрт рисола китобидан. Фаридиддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин "Насафий. Ҳусайн Воиз Кошифӣ ижодидан намуналар / Форс-ложик тилидан Н.Комилов тарж. — Т.: Маънавият, 1997.
4. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари)^Таржимон, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Ш.Бобохонов. — Т.: Ўзбекистон, 1990.
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 китоб. 1-китоб. Ал-Жомӣ ас-Саҳиҳ (Ишонарли тўплам). Арабчадан З.Исмоил таржимаси. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991

6. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 китоб. 4-китоб. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ (Ишонарли тўплам). Арабчадан Абдуғани Абдуллоҳ таржимаси. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.
7. Аликулов Ҳ., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ҳақида. - Т.: Ўқитувчи, 1981.
8. Арипов М. /Орифи / Из истории педагогический мысли таджикского народа. Часть II. (IX—XII вв.) — Душанбе: Ирфон, 1962.— 163с. Часть III — Душанбе: Ирфон, 1965.-191 с.
9. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. — Т.: Фан, 1990.
10. Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Маҳмудов.) — Т.: Бадиий адабиёт, 1971.
11. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 11. — Т.: Фан, 1986.
12. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома (Нашрга тайёрловчилар П. Шамсиев, С.Мирзаев. Сўзбоши муаллифи В.Зоҳидов). - Т.: Фан, 1960.
13. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта осийлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар. К.л. // Нашрга тайёрловчи М.М. Хайруллаев) — Т.: Халқ мероси, 1995.
- 14.. Геродот. История в девяти книгах (Перевод и примечания Г.АСтартановского. Под общей ред. С.А.Утченко). Ленинградское отделение, — Л.: Наука, 1972.
15. Зоҳидов В.Ў. Улуғ шоир ижодининг қалби. А.Навоий ҳақида. — Т.: Ўзбекистон, 1970.
16. Ирисов А. Асқад Маҳкамнинг "Авесто" таржимасига сўзбоши //Санъат, 1992, №3
17. Кабуснаме. III изд. Перевод, статья и примечания Е.Э. Бертельса. — М.: Изд-во Вост. литры. 1958.

18 Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. — Т.: Халқ мероси, 1994.

19. Қошғарий, Маҳмуд. Девону луғатит турк (Туркий сўзлар луғати). Уч томлик / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов/ - Т.: Фан, Т.И. 1960. Т.Н. 1961.

20.Хайруллаев.М. таҳрири остида.Маънавият юлдузлари.(Марказий осийлик машҳур сиймолар,алломалар, адиблар)-Т.:Абдула Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.2001

21."Ҳақиқат манзаралари" 96 мумтоз файласуф -Т. : "Янги аср авлоди", 2002

22.Жўраев.Н.Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.:Маънавият 2008

IV Қўшимча адабиётлар.(Энциклопедик адабиётлар.)

1.Қ.Назаров таҳрири остида. Фалсафа: қомусий луғат.- Т.:”Шарқ”нашриёти.2004.

2. Мустақиллик: илмий, изоҳли, оммабоп луғат. Т. 1999. "Шарқ".

3. Мадвалиев таҳрири остида.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.1-жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти.2006.-Б 337.

4. А.Мадвалиев таҳрири остида.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.2-жилд.Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти.2007.-Б 520.

V.Даврий нашрлар статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. // Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи», 2005 йил, 10 декабрь.

2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин
(“Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар). Т.: Ўзбекистон, 1998 й. — 18-б.
3. Турғунов С. Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат туйғусини ривожлантиришда мактаб раҳбарларининг ўрни. «Халқ таълими» журнали, 2006 йил 1-сон. – 86-б.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. // Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. «Халқ сўзи», 2005 йил, 10 декабрь. – 2-бет.
5. Ислом Каримов томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори , Халқ сузи газетаси, 2006, август.

VI.Интернет сайтлари

1. www.ziyo.net/uz
2. www.milliy/ma'naviyat.uz
3. www.filosofia.ru
4. www.philosophy.nsc.ru
5. <http://vlibrary.freenet.uz>
6. namdumanaviyathttp://fikr.uz/
7. www.bilim.uz
8. www.history.ru
9. www.gow.uz